

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 37 (826), 2023 йил 23 февраль, пайшанба



АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 22 февраль куни соҳа ва ҳудудларда рақамлаштириш жараёнини жадаллаштириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Сўнги уч йилда ахборот технологиялари соҳасига катта эътибор қаратилгани ўз натижасини берапти. Утган йили IT-парк резидентлари 5 триллион сўмлик хизматлар кўрсатган, 140 миллион долларлик хизматларни экспорт қилган.

Мавжуд 715 та давлат хизматидан 370 таси рақамли платформага ўтказилган бўлиб, улардан ўтган йили 12 миллион аҳоли фойдаланган. Рақамлаштириш натижасида 70 дан ортиқ турдаги маълумот ва хужжатларни аҳолидан талаб қилиш бекор бўлган.

Лекин булар ҳали етарли эмас. Соҳа ва ҳудудларда қилиниши лозим бўлган ишлар кўп. Хусусан, вазирликларнинг 5 мингта функциясида фақат 30 фоизи рақамлашган. Аҳоли энг кўп муурожаат қиладиган ички ишлар, адлия, стандарт, соғлиқни сақлаш соҳаларида ўнлаб хизматлар электрон шаклга ўтказилмаган.

Ахборот технологиялари соҳасида маҳсулотнинг ҳам, экспортнинг ҳам асосий қисми Тошкент шаҳрига тўғри келяпти. Қорақалпоғистон, Бухоро, Наманган, Сурхондарё, Навоий ва Тошкент вилоятида IT-парклар ҳалигача қуриб битказилмаган. Йиғилишда шу каби камчиликлар таҳлил қилиниб, галдаги вазифалар белгиланди.

Мамлакатимизда ахборот технологиялари соҳасидаги хизматлар экспортини келгусида 1 миллиард долларга етказиш режалаштирилган. Бунинг учун камида 100 минг нафар малакали дастурчи, IT-архитектор, оператор ва муҳандислар керак. Ҳудудларда юқори тезликдаги интернет тармоғини кенгайтириш лозим. Хорижий IT-компаниялар кўпайиши учун янада қулай муҳит яратиш зарур. Аҳоли ва тадбиркорлар учун энг зарур бўлган янги электрон хизматларни ишга тушириш жоиз.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги имкониятларни кўрсатиб ўтди.

Аввало, Тошкент шаҳрида синовдан ўтган лойиҳалар барча вилоятларда жорий қилиниши белгиланди. Хусусан, пойтахтимизда Рақамли геопортал, Рақамли уй-жой коммунал, Халқ назорати каби тизимлар ишга туширилган эди. Шаҳар ҳокимлигида Рақамли ривожланиш департаменти тuzилган эди. Энди ушбу департамент Рақамли технологиялар вазирлигига ўтказилиб, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида рақамлаштиришга масъул бўлиши қайд этилди.

Барча бизнес жараёнлар ҳамда аҳоли учун энг зарур хизматларни тўлиқ рақамлаштириб, интеграция қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Биргина мисол: олдин мактаб ўқувчиларининг ягона базиси бўлмагани сабабли мактабларда синфлар миқдори турлича бўлган. Утган йили сентябрда мактаб, боғча, ФХДЕ ва ички ишлар органларининг маълумотлари уйғунлаштирилгани натижасида асосиз очилган 4 мингта синф қисқартирилган ва 350 миллиард сўм бюджет маблағи тежаб қолинган.

Давлатимиз раҳбари бундай ишларни бошқа соҳаларда ҳам амалга ошириш мумкинлигини таъкидлади. Иқтисодиёт ва молия вазирлигига бу мақсадлар учун маблағ ажратиш, шунингдек, рақамлаштириш ҳисобиغا иқтисод қилинган маблағларнинг ярмини вазирлик ва ҳокимликларнинг ўзида қолдириш бўйича кўрсатмалар берилди. Рақамли технологиялар вазирлигига 26 та ахборот тизимини Ягона давлат хизматлари порталига бирлаштириб, ундаги хизматлар сонини 570 тага етказиш вазифаси қўйилди.

— Рақамлаштиришдан мақсад-муддаом нима ўзи? Одамларни рози қилиш, инсон кадрини жойига қўйиш, адолатни таъминлаш, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент ёшларни ахборот технологиялари ўқитиш, ишлашига шароит ва маҳсулоти учун бозор яратиш зарурлигини таъкидлади.

Бу борада 1 апрелдан “Электрон ҳуқумат”, “Бизнес учун дастур”, таълим йўналишлари бўйича мукофот жамғармаси 1 миллион доллар бўлган Республика танлови бошланиши эълон қилинди. Шунингдек, ҳудудларда ёшлар яратган 50 та энг яхши дастур Рақамлаштириш жамғармаси ҳисобидан сотиб олинади.

Сўнги икки йилда юртимизда 215 та IT-таълим марказлари очилган. Бундай муассасаларни ва уларнинг битирувчиларини қўллаб-қувватлаш учун молиявий имтиёзлар берилиши айтилди. Жумладан, экспортчи компанияларга ишга жойлашган ҳар бир мутахассис учун 25 миллион сўмга, имконияти чекланган ёшларга эса 35 миллион сўмга субсидия ажратилади. IT-сертifikати бор ёшларга компьютер хариди учун имтиёзли кредит уларнинг шахсий пластик картасига ўтказиб берилади.

“Бир миллион дастурчи” лойиҳаси ҳам ўз самарасини берди. Ҳозирда IT-парклар мутахассисларнинг кўпчилиги шу дастурни тамомлаган ёшлар ҳисобланади.

Энди ёшларни “Coursera” платформаси орқали ўқитиш ҳам кенгайтирилади. Улар орасидан энг иқтидорлилари танлаб олинб, алоҳида дастур асосида халқаро IT-бозор учун тайёрланади.

Йиғилишда соҳадаги экспортни кўпайтириш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Жорий йилда бу кўрсаткични 300 миллион долларга етказиш мақсад қилинган.

Давлатимиз раҳбари бунинг учун хорижий буюртмаларни жалб қилишга қўшимча шароитлар яратиш зарурлигини таъкидлади. Шу боис, IT-паркда хорижий компаниялар учун Рақамли молия технологиялари маркази ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахборот ва тақлифлари эшитилди.

ЎЗА

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ



ВИЖДОН АЗОБИСИЗ ЯШАШ ЛАЗЗАТИ

Ўзбек миллий-маънавий мероси, тарбия тизими шу даражада мукамал тuzилганки, уларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳар қандай олим мутахассисни ҳайратга солмай қўймайди. Биз билиб-билмай ҳар куни ишлатадиган иймон, эътиқод, маслак, ҳамият, андиша, номус, инсоф, ғурур, ифтихор, ахлоқ, салоҳият, ирода каби ўнлаб, балки юзлаб атамалар борки, уларнинг бари бир нарсага — инсонни яхши шахсга айлантиришга, кишиларда коммунал сари қадам ташлаш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилади.

Бу атамалар кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Улар узок минг йилларга бориб тақалади. Мазкур тушунчалар орасида яна шундай амага борки, — виждон. Бу сўзни такрорламаган онимиз, оммавий ахборот воситалари ёхуд ижтимоий тармоқларда эсламаган кунимиз йўқ. Чунки зиддиятларга бой даврда яхши билан ёмоннинг, эски билан янгининг, эзгулик билан ваҳшийликнинг, адолат билан ҳақсизликнинг кураши бор экан, бу сўзни тилга олаверамиз.

Минг йиллар давомида одамлар виждонли ва виждонсизга бўлинган. Хайриятки, ота-боболаримиздан асрлар давомида сақланиб келаётган миллий-маънавий меросимиз, дунёдаги барча халқлар ҳавас қилса арзийдиган тарбия тизимимиз борки, улар ораимизда виждонли кишиларнинг тобора кўпайиб боришига имкон бермоқда.

Давоми 3-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ ВА ИЖРО ИНТИЗОМИ — ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистондаги замонавий ислохотлар ва давлат ривожланишининг энг муҳим тамойиллари трансформацияси мамлакат ташқи сиёсатида яққол ифодасини топмоқда. Зеро, халқаро майдонда ўзаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича ташқи сиёсий фаолиятнинг устувор йўналишлари 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида аниқ-равшан белгилаб берилган.

Ташқи сиёсат доктринасини амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги ўз фаолиятини хорижий шериклар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва фаоллаштириш, хорижий инвестицияларни, илғор технологияларни жалб этиш, ички экспорт географиясини кенгайтириш, экспортни мустаҳкамлаш каби энг муҳим йўналишларга ва транспорт боғлиқлиги кўламини кенгайтириш, шунингдек, хориждаги ватандошларни қўллаб-қувватлаш сингари муҳим масалаларга қаратмоқда.

Давоми 2-бетда



МУНОСАБАТ

ЎЗБЕКИСТОН — МИСР: ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ҲАМКОРЛИК

Бугун Ўзбекистон дунёдаги 141 давлат билан дипломатик алоқалар ўрнатган. Австралия, Хитой ва Вьетнамдан сунг Миср мустақилликнинг илк даврида юртимиз билан расмий муносабат ўрнатган тўртинчи давлат сифатида тарихга кирган. Шу даврдан бошлаб мамлакатларимиз бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилиш асосида самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантирмоқда.

Давоми 2-бетда

БМТНИНГ МАХСУС ТАДБИРИДА ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида Бутунжаҳон ижтимоий адолат кунига бағишланган “Тўсиқларни енгиб ўтиш ва ижтимоий адолат имкониятларини очиб” мавзусида интерактив мулоқот бўлиб ўтди.

БМТ Бош котибининг биринчи ўринбосари Амина Муҳаммад ўз видеомурожаатида аҳоли турмуш шароитини барбод қилган ва тенгсизликни кучайтирган COVID-19 пандемиясидан кейин бутун дунёда ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тиклаш бўйича фаол чора-тадбирлар кўрилаётганини таъкидлади.

Давоми 2-бетда

ТАҲЛИЛИЙ ТАНҚИД



ФЕНОМЕН ҲОДИСАЛАР ДАВРИДА СЎЗ ҚУДРАТИ

Биз, Ўзбекистон миллий медиа соҳаси вакиллари катта сиёсий ахборот курашига тайёرمىзми? Бу саволнинг жавоби замонавий нуқтаи назардан бир қадар оғриқли ва баҳсли бўлиши мумкин. Шунингдек, жуда жўн жавоб бериш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Хуллас, бугунги мушоҳадаларимиз шу ҳақда.

Яқинда бир дўстимизнинг уйда меҳмон бўлди. Анъанага кўра ош дамланди. Дастурхон атрофида фарзандларимиз билан ўтирибмиз. Кимдир қўл билан, кимдир қошиқ билан ош ейишни бошлади. Шунда дўстимнинг 8-синфда ўқийдиган қизи: “Тасаввур қилинг, ҳозир ёнимизда инглиз сайёҳлари ўтирган бўлса, мен уларга “Pilaf is eaten by hands” (Бизда палов қўл билан ейилади), дея мақтанган бўлар эдим”, деди кулиб. Тўрда

ўтирган яна бир меҳмон дўстимиз эса қўлидаги қошиқни ошлаган четига қўйди-да: “Бу мақтандиган одат эмас, қизим. Бир замонлар бизда қошиқ тақчил бўлган, шунинг учун ҳам ошнинг қўлда ейиш сунъий урфга кирган”, деди тарихда янги саҳифа очгандек мактаниб. Қизимиз эса жим бўлиб қолди. Битта гап билан унинг қалбида қуртат оётган миллий ғурур ҳисси лат еганини сездим-у, иштаҳам бўғилди.

Давоми 5-бетда

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ЖИЗЗАҲДА ИККИ БАРОБАР АРЗОН ФОТОЭЛЕКТР ҚУРИЛМАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Бугун инсоният глобал экологик муаммолар, табиий манбалар тақчиллиги қаршида турибди. Сув, ёқилғи-энергетика манбалари захираси йил сайин қисқариб, уларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Мутахассислар мазкур ҳолатлар оқибатларини “яшил иқтисодиёт”га ўтиш орқалигина бартараф этиш мумкинлигини таъкидлаётгани бежиз эмас. Чунки қайта тикланмайдиган манбаларнинг муқобилини яратиш, улардан кенг ва самарали фойдаланиш даври келди. Экологик тоза ва ресурстежамкор технологияларни жорий этишга замонавий тараққиёт, илғор изланиш ҳамда илмий ихтиролар кенг йўл очмоқда.



Давоми 4-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ ВА ИЖРО ИНТИЗОМИ — ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Фурқат СИДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ташқи ишлар вазирининг
биринчи ўринбосари

Бошланғичи 1-бетда

Шубҳа йўқки, қўйилган мақсадларга эришиш йўлидаги ислохотлар самарадорлиги ижро органлари, жумладан, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигидаги ижро интизоми даражасига ҳам боғлиқ. Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги "ljo.gov.uz" ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатиши-



алмашувлари фаоллашти. Давлатимиз раҳбарининг 9 та халқаро ташаббуси амалга оширилди. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон Президентини

Экспортни кенгайтириш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб қилиш вазифалари Ташқи ишлар вазирлиги ва дипломатия ваколатхоналари фаолиятида устувор аҳамиятга эга. 2022 йили бу йўналишда ваколатхоналар билан биргаликда иқтисодий дипломатия соҳасида хорижда 3500 дан ортиқ тадбир ўтказилди. Самарали ҳамкорлик ва қатъий назорат туфайли мамлакатимиз товарларини жаҳон бозорларига экспорт қилишни таъминлаш бўйича режалар 2021 йилдагига нисбатан 112 фоиз қилиб бажарилди.

Олий ва юқори даражада эришилган келишувларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, тегишли "йўл хариталари"ни амалга ошириш доирасида Ўзбекистоннинг 850 дан зиёд корхонасининг чет эллардаги 131 та халқаро ярмаркада қатнашишини ташкил этишга кўмак кўрсатилди. Хорижий мамлакатларда "Made in Uzbekistan" деб номланган маҳсулотлар тақдимотлари ўтказилди. Ўзбекистоннинг хориждаги элчихоналари хузурида, шунингдек, Озарбайжон, Буюк Британия, Греция, Миср, Индонезия, Испания, Жанубий Корея, Италия, Хитой, Латвия, Малайзия, Умон, Покистон, Польша, Россия, Франция, Тожикистон ва Япониянинг йирик чакана савдо тармоқларида 36 та шоу-рум ва савдо шохобчасини очиб масаласи ишлаб чиқилди. Озарбайжон, Россия, Туркия, Польша, Тожикистон, Қирғизистон ва Хитойда Ўзбекистон республика товар-хонашэ биржасининг 10 та янги ташқи савдо майдончаси фаолияти йўлга қўйилди. Ўзбекистон республика товар-хонашэ биржасида 2575 та янги хорижий корхона акредитациядан ўтган.

Мамлакатнинг дипломатия ваколатхоналари кўмагида 210 миллион доллар миқдорига грантлар ва 96,2 миллион евро молиявий ва техникавий ёрдам маблағи жалб этилди. Умуман олганда, 2022 йил якунлари бўйича мамлакатимиз иқтисодиётига 8 миллиард АҚШ доллари миқдоридан ортиқ хорижий

ни таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ушбу йўналишдаги дастуруламал ҳужжатлар ҳисобланади.

Режалаштириш ва ҳисобдорлик алгоритми, махсус "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш ва қўллаш амалиёти вазирлик фаолиятида самарали иш беришини кўрсатди. Улар қонун ҳужжатлари ва юқори органларнинг қўрсатмалари ижрочиларга тезкор етказиб берилишини таъминлайди, шу жумладан, юқланган вазифаларнинг моҳияти ва аҳамиятини аниқ очиб беради, ижроси бўйича механизмлар, муддатларини ҳамда бажариш учун масъулликни белгилайди.

Таъкидлаш жоизки, Ташқи ишлар вазирлигида барча топшириқлар, ёзишмаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан ижро интизоми ва шахсий жавобгарлик бўйича қатъий тизим йўлга қўйилган.

Вазир котибиятининг тегишли бўлимаси — Мувофиқлаштириш ва назорат бўлими ташкил этилган бўлиб, у қуйдагиларни назорат қилади:

— ТИВ бўлимлари ва мансабдор шахслари томонидан ҳужжатлардан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш бўйича амалий чора-тадбирларнинг белгиланган муддатларда амалга оширилиши;


— йиллик ҳаракатлар режалари — хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича "йўл хариталари"да кўзда тутилган тадбирларнинг бажарилиши; — ҳисобдорлик сифати ва ишончилиги ҳамда унинг юқори органларга ўз вақтида тақдим этилишини мониторинг қилиш.

Иш жараёнида ижро интизоми механизmlарини такомиллаштириш, ТИВ ва унинг ҳудудий бўлимлари ҳамда хориждаги муассасалари фаолияти тажрибасини ўрганиш асосида ҳужжатлар билан ишлаш механизми самарадорлигини ошириш бўйича тақлифлар киритилади.

Вазирликнинг марказий аппарати ва хорижий муассасалари ўртасида ахборот алмашиш учун электрон ҳужжат айланиши тизими яратилган бўлиб, у доимий равишда такомиллаштирилмоқда. Ҳужжатлар яратилиши ёки қабул қилинишидан то ижроси нихосига етунига қадар, шунингдек, жўнатилишига бўлган ҳужжатлар ҳаракатининг автоматлаштирилиши моддий ва инсон ресурслари тежамкорлигига кўмаклашмоқда.

Ўзбекистон учун халқаро муносабатларни ривожлантириш нуктаи назардан 2022 йилни соҳадаги улкан муваффақиятлар йили, деб аташ мумкин. Ўтган йилда Президент Шавкат Мирзиёевнинг хорижий давлатларга ҳамда чет давлатлар раҳбарларининг мамлакатимизга қатор расмий ва давлат ташрифлари бўлиб ўтди. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий давлатлар ташкилотининг саммитлари, халқаро конференциялар ва юқори даражадаги форумлар катта муваффақият билан ўтказилди, ҳукматлар, идоралар ва парламентлар делегацияларининг

ташаббуси билан "Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш тўғрисида"ги, "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентлар ролини кучайтириш тўғрисида"ги резолюцияларни, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши эса "Ёшлар ва инсон ҳуқуқлари" резолюциясини бир овоздан қабул



қилди. Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатия ваколатхоналари фаолияти сезиларли даражада фаоллашди.

Ушбу тадбирлар якунлари бўйича давлатлараро, ҳукматлараро, идоралараро ва бошқа турдаги 300 дан ортиқ ҳужжат имзоланди. Уларни ҳаётга татбиқ этиш учун республика идоралари ва хорижий шериклар билан ҳамкорликда

инвестиция жалб этилди, экспорт эса 19 миллиард АҚШ долларига етди.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатия ваколатхоналари бириктириб қўйилган ҳудудлар билан ҳамкорликка оид "йўл хариталари" ҳам ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Ташқи ишлар вазирлигида амал қилаётган ҳужжатлар ижросини назорат қилиш тизими мамлакатимизнинг

Ўзбекистоннинг хориждаги фуқароларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Натижада 2022 йили мамлакатимиз фуқароларига 276 минг 846 консулдаги хизмат кўрсатилди. Юртимизнинг мушкул вазиятга тушиб қолган фуқароларига 497 минг АҚШ доллари миқдорига моддий ёрдам кўрсатилди. Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизими доирасида 7 мингдан ортиқ юрtdошимиз иш билан таъминланди.

тегишли "йўл хариталари" ҳамда дастурлар ишлаб чиқилди, улар белгилаб олинган муддатларга мувофиқ изчил ва ўз вақтида бажарилмоқда.

Ўзбекистоннинг хориждаги фуқароларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Натижада 2022 йили мамлакатимиз фуқароларига 276 минг 846 консуллик хизмати кўрсатилди. Юртимизнинг мушкул вазиятга тушиб қолган фуқароларига 497 минг АҚШ доллари миқдорига моддий ёрдам кўрсатилди. Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизими доирасида 7 мингдан ортиқ юрtdошимиз иш билан таъминланди.

жадал ривожланиб бораётган халқаро муносабатлари шароитида хорижий давлатлар билан олий ва юқори даражада эришилган келишувларни амалга оширишни кечиктирмасдан самарадорлик ва мослашувчанликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон кун сайин халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаётган, халқаро ҳамкорликни фаоллаштираётган, жаҳон миқёсидаги ва минтақамиздаги вазиятдан келиб чиқиб, устуворликларни ўз олдига қўётган хозирги шароитда раҳбарларнинг бу жараёндаги асосий вазифаси барқарор ва изчил иш интизоми таъминлаш, ўз вазифасига жиддий ёндашиш, юқори даражадаги касбий маҳоратини ва маданиятини намоён этишдан иборатдир.

МУНОСАБАТ



ЎЗБЕКИСТОН — МИСР:

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ҲАМКОРЛИК

Қобилжон СОБИРОВ,
Ўзбекистонда Шанхай
ҳамкорлик ташкилоти
Халқ дипломатияси
маркази директори

Бошланғичи 1-бетда

Миср инсоният цивилизацияси қадимий марказларидан бири бўлиб, айна пайтда катта салоҳиятга эга, ислом олами, араб дунёси ва Африка китъасида алоҳида ўрин тутган давлатдир.

Мамлакатларимиз халқаро майдонда фаол ҳамкорлик қилиб, бир-бирини қўллаб-қувватламоқда. БМТ, Ислам ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти каби йирик халқаро тузилмалар фаолиятида Миср ва Ўзбекистоннинг қарашлари ўзаро яқин эканини кузатиш мумкин.

2018 йил сентябрда Миср Президентининг Ўзбекистонга илк расмий ташрифи бўлиб ўтган эди. Унда Ўзбекистон — Миср ҳамкорлигини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди. Туризм, инвестиция, солиқ, қишлоқ

ҳўжалиги, маданий мерос, спорт ва ёшлар масалалари бўйича ҳамкорликка оид салмоқли ҳужжатлар қабул қилинган.

2022 йил эса Самарқандда ўтган ШХТ давлат раҳбарлари кенгашида Мисрда ШХТнинг мулоқот бўйича шериги мақомини бериш тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Ўзбекистон — Миср ҳамкорлигининг истиқболлари жуда кенг, айниқса, туризм соҳасида буни яққол кузатиш мумкин.

Туризм Миср даромадининг асосий қисмидир. Шу билан бирга, Ўзбекистон ҳам катта тарихий-маданий меросга — 7300 дан ортиқ қадимий-меъморий ва археологик обидага эга. Юртимиздаги 200 дан зиёд тарихий ёдгорлик ва обида ЮНЕСКОнинг маданий мероси рўйхатида киритилган. Демак, Ўзбекистонда ва мисрлик мутахассислар ўртасида туризм, музейшунослик ва археология соҳасида тажриба алмашиш, маҳорат дарслари, қўшма лоийҳаларни ташкил этиш туризм соҳасини ривожлантиришга, пировардида, икки халқни бир-бирига яқиндан таништиришга хизмат қилиши мумкин.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда маънавий алоқалар

алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистон ва Миср бағрикенглик тамойилларини тарғиб қилиш, муқаддас ислоний маърифат дини сифатида оммалаштириш, унинг асл моҳиятини тушуништириш, диний-маънавий меросимизни асраб-авайлаш ва ёш авлодга етказиш, турли таҳдид ва қаҳриқларга яқдил қарши курашишда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Ўзбекистон қатор минтақавий ташкилотлар доирасида қабул қилинган, экстремизм ва терроризмга қарши курашга қаратилган шартномаларни бажаришда фаол иштирок этади.

Мисрнинг Яқин Шарқ ва Африкада содир бўлаётган қўллаб жараёнларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган энг йирик ва нуфузли араб давлатларидан бири эканини инобатга олсак, бу борада ишончли ҳамкорлик мамлакатларимиз учун бирдек манфаатли бўлади.

Яна бир муҳим жиҳат. Миср ва Ўзбекистон қадимдан ислом дини марказлари бўлгани, буюк алломалар, хусусан, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Косоний, Бурҳониддин Марғиновий, Абу Муин Насафий, Махмуд Замахшарий бутун дунёда, хусусан, Мисрда ҳам исломнинг ёйилиши ва ривожига муносиб ҳисса қўшган. Бугунги кунда ҳам давом этаётган ҳамкорлик эса бебаҳо илмий меросни тадқиқ этишни кучайтиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон ва араб дунёси мамлакатлари ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш давлатимизнинг юксак

БМТНИНГ МАХСУС ТАДБИРИДА ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Бошланғичи 1-бетда

Унинг айтишича, 2021 йилда ишга туширилган БМТнинг Бандлик ва аҳоли иқтисодий муҳофазаси қилиш бўйича глобал акселератори муносиб иш ўринларини яратиш, универсал ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлаш ва углеродсиз келажак сари ҳаракатланиш учун самарали восита ҳисобланади.

Халқаро меҳнат ташкилоти Бош директори Гилберт Хунбо коронавирус пандемияси, геосиёсий ўзгаришлар, иқтисодий инқироз ва табиий офатларнинг меҳнат бозорларига салбий таъсирига эътибор қаратди. Унинг ҳисоб-китобларига қўра, шаҳарларда бандлик 2023 йилда атиги 1 фоизга ўсади, бу ўтган йилги кўрсаткичларнинг ярмидан кам. Айна пайтда дунёда 200 миллиондан ортиқ ишчи қашшоқликда яшайди. У ХМТнинг 2023 йилда Ижтимоий адолат учун глобал коалиция ижтимоий ҳимоя, муносиб иш жойларига киришни ошириш ва жамиятларда тенгсизликни камайтириш бўйича халқаро сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўра, шаҳарларда бандлик 2023 йилда атиги 1 фоизга ўсади, бу ўтган йилги кўрсаткичларнинг ярмидан кам. Айна пайтда дунёда 200 миллиондан ортиқ ишчи қашшоқликда яшайди. У ХМТнинг 2023 йилда Ижтимоий адолат учун глобал коалиция ижтимоий ҳимоя, муносиб иш жойларига киришни ошириш ва жамиятларда тенгсизликни камайтириш бўйича халқаро сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўра, шаҳарларда бандлик 2023 йилда атиги 1 фоизга ўсади, бу ўтган йилги кўрсаткичларнинг ярмидан кам. Айна пайтда дунёда 200 миллиондан ортиқ ишчи қашшоқликда яшайди. У ХМТнинг 2023 йилда Ижтимоий адолат учун глобал коалиция ижтимоий ҳимоя, муносиб иш жойларига киришни ошириш ва жамиятларда тенгсизликни камайтириш бўйича халқаро сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўра, шаҳарларда бандлик 2023 йилда атиги 1 фоизга ўсади, бу ўтган йилги кўрсаткичларнинг ярмидан кам. Айна пайтда дунёда 200 миллиондан ортиқ ишчи қашшоқликда яшайди. У ХМТнинг 2023 йилда Ижтимоий адолат учун глобал коалиция ижтимоий ҳимоя, муносиб иш жойларига киришни ошириш ва жамиятларда тенгсизликни камайтириш бўйича халқаро сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўра, шаҳарларда бандлик 2023 йилда атиги 1 фоизга ўсади, бу ўтган йилги кўрсаткичларнинг ярмидан кам. Айна пайтда дунёда 200 миллиондан ортиқ ишчи қашшоқликда яшайди. У ХМТнинг 2023 йилда Ижтимоий адолат учун глобал коалиция ижтимоий ҳимоя, муносиб иш жойларига киришни ошириш ва жамиятларда тенгсизликни камайтириш бўйича халқаро сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўра, шаҳарларда бандлик 2023 йилда атиги 1 фоизга ўсади, бу ўтган йилги кўрсаткичларнинг ярмидан кам. Айна пайтда дунёда 200 миллиондан ортиқ ишчи қашшоқликда яшайди. У ХМТнинг 2023 йилда Ижтимоий адолат учун глобал коалиция ижтимоий ҳимоя, муносиб иш жойларига киришни ошириш ва жамиятларда тенгсизликни камайтириш бўйича халқаро сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўра, шаҳарларда бандлик 2023 йилда атиги 1 фоизга ўсади, бу ўтган йилги кўрсаткичларнинг ярмидан кам. Айна пайтда дунёда 200 миллиондан ортиқ ишчи қашшоқликда яшайди. У ХМТнинг 2023 йилда Ижтимоий адолат учун глобал коалиция ижтимоий ҳимоя, муносиб иш жойларига киришни ошириш ва жамиятларда тенгсизликни камайтириш бўйича халқаро сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўра, шаҳарларда бандлик 2023 йилда атиги 1 фоизга ўсади, бу ўтган йилги кўрсаткичларнинг ярмидан кам. Айна пайтда дунёда 200 миллиондан ортиқ ишчи қашшоқликда яшайди. У ХМТнинг 2023 йилда Ижтимоий адолат учун глобал коалиция ижтимоий ҳимоя, муносиб иш жойларига киришни ошириш ва жамиятларда тенгсизликни камайтириш бўйича халқаро сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўра, шаҳарларда бандлик 2023 йилда атиги 1 фоизга ўсади, бу ўтган йилги кўрсаткичларнинг ярмидан кам. Айна пайтда дунёда 200 миллиондан ортиқ ишчи қашшоқликда яшайди. У ХМТнинг 2023 йилда Ижтимоий адолат учун глобал коалиция ижтимоий ҳимоя, муносиб иш жойларига киришни ошириш ва жамиятларда тенгсизликни камайтириш бўйича халқаро сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўра, шаҳарларда бандлик 2023 йилда атиги 1 фоизга ўсади, бу ўтган йилги кўрсаткичларнинг ярмидан кам. Айна пайтда дунёда 200 миллиондан ортиқ ишчи қашшоқликда яшайди. У ХМТнинг 2023 йилда Ижтимоий адолат учун глобал коалиция ижтимоий ҳимоя, муносиб иш жойларига киришни ошириш ва жамиятларда тенгсизликни камайтириш бўйича халқаро сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўра, шаҳарларда бандлик 2023 йилда атиги 1 фоизга ўсади, бу ўтган йилги кўрсаткичларнинг ярмидан кам. Айна пайтда дунёда 200 миллиондан ортиқ ишчи қашшоқликда яшайди. У ХМТнинг 2023 йилда Ижтимоий адолат учун глобал коалиция ижтимоий ҳимоя, муносиб иш жойларига киришни ошириш ва жамиятларда тенгсизликни камайтириш бўйича халқаро сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўра, шаҳарларда бандлик 2023 йилда атиги 1 фоизга ўсади, бу ўтган йилги кўрсаткичларнинг ярмидан кам. Айна пайтда дунёда 200 миллиондан ортиқ ишчи қашшоқликда яшайди. У ХМТнинг 2023 йилда Ижтимоий адолат учун глобал коалиция ижтимоий ҳимоя, муносиб иш жойларига киришни ошириш ва жамиятларда тенгсизликни камайтириш бўйича халқаро сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўра, шаҳарларда бандлик 2023 йилда атиги 1 фоизга ўсади, бу ўтган йилги кўрсаткичларнинг ярмидан кам. Айна пайтда дунёда 200 миллиондан ортиқ ишчи қашшоқликда яшайди. У ХМТнинг 2023 йилда Ижтимоий адолат учун глобал коалиция ижтимоий ҳимоя, муносиб иш жойларига киришни ошириш ва жамиятларда тенгсизликни камайтириш бўйича халқаро сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўра, шаҳарларда бандлик 2023 йилда атиги 1 фоизга ўсади, бу ўтган йилги кўрсаткичларнинг ярмидан кам. Айна пайтда дунёда 200 миллиондан ортиқ ишчи қашшоқликда яшайди. У ХМТнинг 2023 йилда Ижтимоий адолат учун глобал коалиция ижтимоий ҳимоя, муносиб иш жойларига киришни ошириш ва жамиятларда тенгсизликни камайтириш бўйича халқаро сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўра, шаҳарларда бандлик 2023 йилда атиги 1 фоизга ўсади, бу ўтган йилги кўрсаткичларнинг ярмидан кам. Айна пайтда дунёда 200 миллиондан ортиқ ишчи қашшоқликда яшайди. У ХМТнинг 2023 йилда Ижтимоий адолат учун глобал коалиция ижтимоий ҳимоя, муносиб иш жойларига киришни ошириш ва жамиятларда тенгсизликни камайтириш бўйича халқаро сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўра, шаҳарларда бандлик 2023 йилда атиги 1 фоизга ўсади, бу ўтган йилги кўрсаткичларнинг ярмидан кам. Айна пайтда дунёда 200 миллиондан ортиқ ишчи қашшоқликда яшайди. У ХМТнинг 2023 йилда Ижтимоий адолат учун глобал коалиция ижтимоий ҳимоя, муносиб иш жойларига киришни ошириш ва жамиятларда тенгсизликни камайтириш бўйича халқаро сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўра, шаҳарларда бандлик 2023 йилда атиги 1 фоизга ўсади, бу ўтган йилги кўрсаткичларнинг ярмидан кам. Айна пайтда дунёда 200 миллиондан ортиқ ишчи қашшоқликда яшайди. У ХМТнинг 2023 йилда Ижтимоий адолат учун глобал коалиция ижтимоий ҳимоя, муносиб иш жойларига киришни ошириш ва жамиятларда тенгсизликни камайтириш бўйича халқаро сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўра, шаҳарларда бандлик 2023 йилда атиги 1 фоизга ўсади, бу ўтган йилги кўрсаткичларнинг ярмидан кам. Айна пайтда дунёда 200 миллиондан ортиқ ишчи қашшоқликда яшайди. У ХМТнинг 2023 йилда Ижтимоий адолат учун глобал коалиция ижтимоий ҳимоя, муносиб иш жойларига киришни ошириш ва жамиятларда тенгсизликни камайтириш бўйича халқаро сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўра, шаҳарларда бандлик 2023 йилда атиги 1 фоизга ўсади, бу ўтган йилги кўрсаткичларнинг ярмидан кам. Айна пайтда дунёда 200 миллиондан ортиқ ишчи қашшоқликда яшайди. У ХМТнинг 2023 йилда Ижтимоий адолат учун глобал коалиция ижтимоий ҳимоя, муносиб иш жойларига киришни ошириш ва жамиятларда тенгсизликни камайтириш бўйича халқаро сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўра, шаҳарларда бандлик 2023 йилда атиги 1 фоизга ўсади, бу ўтган йилги кўрсаткичларнинг ярмидан кам. Айна пайтда дунёда 200 миллиондан ортиқ ишчи қашшоқликда яшайди. У ХМТнинг 2023 йилда Ижтимоий адолат учун глобал коалиция ижтимоий ҳимоя, муносиб иш жойларига киришни ошириш ва жамиятларда тенгсизликни камайтириш бўйича халқаро сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўра, шаҳарларда бандлик 2023 йилда атиги 1 фоизга ўсади, бу ўтган йилги кўрсаткичларнинг ярмидан кам. Айна пайтда дунёда 200 миллиондан ортиқ ишчи қашшоқликда яшайди. У ХМТнинг 2023 йилда Ижтимоий адолат учун глобал коалиция ижтимоий ҳимоя, муносиб иш жойларига киришни ошириш ва жамиятларда тенгсизликни камайтириш бўйича халқаро сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўра, шаҳарларда бандлик 2023 йилда атиги 1 фоизга ўсади, бу ўтган йилги кўрсаткичларнинг ярмидан кам. Айна пайтда дунёда 200 миллиондан ортиқ ишчи қашшоқликда яшайди. У ХМТнинг 2023 йилда Ижтимоий адолат учун глобал коалиция ижтимоий ҳимоя, муносиб иш жойларига киришни ошириш ва жамиятларда тенгсизликни камайтириш бўйича халқаро сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўра, шаҳарларда бандлик 2023 йилда атиги 1 фоизга ўсади, бу ўтган йилги кўрсаткичларнинг ярмидан кам. Айна пайтда дунёда 200 миллиондан ортиқ ишчи қашшоқликда яшайди. У ХМТнинг 2023 йилда Ижтимоий адолат учун глобал коалиция ижтимоий ҳимоя, муносиб иш жойларига киришни ошириш ва жамиятларда тенгсизликни камайтириш бўйича халқаро сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўра, шаҳарларда бандлик 2023 йилда атиги 1 фоизга ўсади, бу ўтган йилги кўрсаткичларнинг ярмидан кам. Айна пайтда дунёда 200 миллиондан ортиқ ишчи қашшоқликда яшайди. У ХМТнинг 2023 йилда Ижтимоий адолат учун глобал коалиция ижтимоий ҳимоя, муносиб иш жойларига киришни ошириш ва жамиятларда тенгсизликни камайтириш бўйича халқаро сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўра, шаҳарларда бандлик 2023 йилда атиги 1 фоизга ўсади, бу ўтган йилги кўрсаткичларнинг ярмидан кам. Айна пайтда дунёда 200 миллиондан ортиқ ишчи қашшоқликда яшайди. У ХМТнинг 2023 йилда Ижтимоий адолат учун глобал коалиция ижтимоий ҳимоя, муносиб иш жойларига киришни ошириш ва жамиятларда тенгсизликни камайтириш бўйича халқаро сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўра, шаҳарларда бандлик 2023 йилда атиги 1 фоизга ўсади, бу ўтган йилги кўрсаткичларнинг ярмидан кам. Айна пайтда дунёда 200 миллиондан ортиқ ишчи қашшоқликда яшайди. У ХМТнинг 2023 йилда Ижтимоий адолат учун глобал коалиция ижтимоий ҳимоя, муносиб иш жойларига киришни ошириш ва жамиятларда тенгсизликни камайтириш бўйича халқаро сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қўра, шаҳарларда бандлик 2023 йилда а



ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

66

ТАФАККУР ФЕНОМЕНИ БИЗНИ ТУРЛИ ХАТОЛАРДАН, ЧАЛКАШЛИКЛАРДАН, ТУРФА ОЛАМДАГИ ВОҚЕА-ҲОДИСАЛАРНИ НОТЎҒРИ МУШОҲАДА ҚИЛИШДАН АСРАЙДИ. ИНСОННИНГ ФИКР ҚИЛИШИ УНИНГ ОЛДИГА ҚЎЙИЛГАН МАҚСАДЛАРГА ОСОНРОҚ ЙЎЛЛАР БИЛАН, КАМ ХАРАЖАТЛАР САРФЛАБ, КЎПРОҚ ВА САМАРАЛИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШГА ИМКОН БЕРАДИ. ШУНИНГ УЧУН БАРЧА МУТАФАККИРЛАРИМИЗ ИНСОНДА ВИЖДОНЛИЛИК СИФАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАФАККУР МАСАЛАСИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРИБ КЕЛГАН.



Абдухалил МАВРУЛОВ, тарих фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Мамлакат раҳбари виждон атамасини юксак маънавият ва маърифат сўзлари билан уйғунликда кўрмоқда. “Менинг назаримда, — деб қайд этади Президентимиз “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” китобида, — инсоният дунёсининг буюк бир ёриткичи — маънавият чироғи бор. Бу чироқнинг бошқалардан фарқи шуки, у инсоннинг онги ва тафаккурини ёритади, қалби, виждонини уйғотади, одамийлик хиссини кучайтиради”.

Демак, бугунги энг муҳим масалалардан бири — инсон виждонини уйғотиш муаммоси. Виждон сўзи араб тилида ҳиссиёт, кишининг ички дунёси, руҳ, кўнгил, ор-номус маъноларини ҳам беради. Айрим олимларимиз таъкидлагани каби инсоннинг хаёти фақат ақл билан бошқариладиган бўлса, бу дунё хаёти ўта бешафқат, ўта худбин тус олади. Бундай пайтда инсонда моддий манфаатлар ҳар доим биринчи ўринга чиқади. Бу эса жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит бекарорлашувига олиб келади.

Хўш, виждон ўзи нима? Унга берилган таърифлар жуда кўп. Базми олимлар виждонни кишиларнинг кундалик фаолияти, хатти-ҳаракати, феъл-атвори учун оила, жамоат, жамият ва Ватан олдида маънавий масъулият ҳис этиш сифатида таърифлайди. Яна бир гуруҳ мутахассис ва олимлар уни инсонга хос бўлган юксак маънавий фазилат тарзида тушутиришга ҳаракат қилади. Яна бирлари эса виждон атамасини шахснинг ахлоқий жиҳатдан ўз-ўзини назорат қилиши, ахлоқий бурчини мустақил шакллантириш ҳамда ўзидан уни адо этишни талаб қилиш ва ўз хатти-ҳаракатларига баҳо бериш қобилияти, дея тушутиради.

Назаримизда, виждон, энг аввало, ахлоқий тушунча. Виждон яхшилик нимаю ёмонлик нималигига жавоб берадиган ички ишонч, ўзининг амалдаги фаолияти учун ахлоқий масъулиятини англашдир.

Бугун биз Янги Ўзбекистонни қуриш йўлига ўтар эканмиз, атрофимизда виждонли одамлар жуда кўпайиб бораётганини кўришимиз мумкин. Бундай кишилар, аввало, виждонли ўз хаёти ўлчови, деб билади. Виждонли одамлар ёлгон гапиришни ўзига эп билмайди. Уларнинг хаётий позицияси битта: бошига қилч келса ҳам, рост гапириш, виждонга хилоф иш қилмаслик. Барчамиз севиб томоша қиладиган “Суюнчи” бадий фильмида Анзират холати маҳалладошлари “Анзират хола қишлоғимизнинг виждонли эди”, дея таърифлашди жуда катта маъно бор.

Яна шу нарсага эътибор бериш лозимики, бугун виждонли бўлиш жуда оғир. Виждонли киши учун у эгаллаган билим, атрофидогиларнинг унга ҳурмат-эҳтироми, тўплаган бойлиги етарли эмас. Бундай кишилар доимо зиддиятчи ҳолатда бўлади. Аслида, виждонли одамлар, бир томондан ўзининг атрофидоғи дунёсиз, инсофсиз, лоқайд кишилар билан кураш олиб боради, бўлак тарафдан у ўзи билан ўзи оғир курашга киришадиган, юксак маънавиятли одам.

Инсоннинг ўзи билан ўзи курашга киришишидан ҳам оғир иш йўқ, деб ўйлаймиз. Чунки виждон кўзга кўринмайди. Аммо маънавий-ахлоқий аҳамияти ва кучи нуқтаи назардан у ҳамма нарсадан кучли ва таъсириlidir.

Виждон инсондаги ўзини ўзи назорат қилишининг энг мукамал амали. Бугунги инсон дунёда содир бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларни таҳлил қила олади, баҳо бериш қудратига эга. Биз бугун илм-фан, техника, юксак технологиялар бўйича мукамал билимга эгамиз. Гўёки дунёда биз билмаган нарсанинг ўзи йўқдек. Ҳақиқатан ҳам шундай. Чунки бу дунёдаги барча нарсалар Яратқининг каромати, бизнинг, инсоннинг қўли билан яратилган. Бироқ биз ҳамма кашфиётлар, янгиликлар, қолаверса, атрофимиздаги барча яхши-ёмон нарсаларни билган ҳолда, ўзимизни ўзимиз билмаслигимиз, ўз ўзимизга адолатли ва тўғри баҳо бера олмаслигимиз аён бўлиб турибди.


Нима учун биз атрофимиздаги барча одамлар, яқинларимиз ҳақида гўёки ҳамма нарсани билганимиз-у, ўзимизни ўзимиз англай олмаيمиз? Нега ўзимизга баҳо берганда қийналамиз, ўзимизни ўзимиз алдаймиз? Назаримда, бунинг сабаби битта: биз ўзимизга виждон кўзи билан баҳо бермаймиз ёки беролмаймиз.

шаклланишига таъсир этувчи омилар жуда кўп эса-да, уларнинг энг муҳимлари — биринчиси оилада олинган тарбия, иккинчиси ақл, учинчиси тафаккур тарзидир.

“Қуш уясиде кўрганни қилади”, деган мақол бежиз айтилмаган. Виждонли, инсофли, диёнатли инсонлар фарзандлари аксарият ҳолларда ота-боболарига



ВИЖДОН АЗОБИСИЗ ЯШАШ ЛАЗЗАТИ



ВИЖДОН, ЭНГ АВАЛО, АХЛОҚИЙ ТУШУНЧА. ВИЖДОН ЯХШИЛИК НИМАЮ ЁМОНЛИК НИМАЛИГИГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН ИЧКИ ИШОНЧ, ЎЗИНИНГ АМАЛДАГИ ФАОЛИЯТИ УЧУН АХЛОҚИЙ МАСЪУЛИЯТНИ АНГЛАШДИР.

Ақл ила юзага келадиган илм ҳис қилиш аъзолари воситасида ҳосил бўладиган илмдан кучлидир. Ақл воситаси ила ҳис қилиш аъзолари йўл қўйган хатолар ҳам тузатилади. Масалан, сувда бирор нарсанинг аксини синган ҳолатда кўриш мумкин. Бу — кўзининг хабари ва нотўғри хабар. Лекин ақл акси сувда шундай қўринадиган нарсанинг аслида бутун, тўрираётган ҳақиқат илм беради. Қасал одамга ширин таом ҳам нордон туюлиши мумкин, лекин ақл у таом аслида ширин эканини билдиради. (Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф. Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар. — Тошкент, 2013. 74-бет).

Инсон хаётида ақлнинг нечоғлиқ муҳимлигини исботлашнинг ўзи асло тўғри эмас. Бу аксиома. “Ватан тўғриси” китобида таъкидланганича, Алишер Навоий асарларида ақлнинг 27 даражаси ва 27 сифати маълум қилинади. Демак, ақлнинг ўзи битта, аммо одамларнинг ақлий даражалари жуда кўп, шунинг учун бу дунёда бир хил ақлга эга икки одамни топишнинг мутлақо иложи йўқ.

Айни пайтда олимлар барча ақл эгаларини улар ўз олдига қўйган мақсад-муд-даоларига кўра иккига ажратади. Биринчиси некин ақл эгалари бўлиб, улар ақлни инсоният тараққиёти, жамият барқарорлиги йўлидаги эзгу мақсадлар учун сарфлайди. Иккинчиси эса худбин ақл эгалари бўлиб, улар ўз ақлидан фақат шахсий мақсадлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилади.

Шунинг учун ҳам барча ақли одамларни виждонли кишилар, дейиш мумкин эмас. Биз ҳаётда ҳам бундайларнинг кўпига дуч келамиз. Узаро суҳбатларда улар ҳақида “қани энди, шундай кишилар ўз ақлини халқ

фикр сўзидан келиб чиқади. У инсон маънавиятининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, билишнинг оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хусусиятларини аниқлашга ёрдам беради, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқаларни акс эттирадиган феномен ақлий бойлик. Тафаккур инсонда нарса ва ҳодисалар, воқеалар моҳиятини олдидан билиш, кўриш, башорат қилишга ёрдам беради.

Тафаккур феномени бизни турли хатолардан, чалкашликлардан, турфа оламдаги воқеа-ҳодисаларни нотўғри мушоҳада қилишдан асрайди. Инсоннинг фикр қилиши унинг олдига қўйилган мақсадларга осонроқ йўллар билан, кам харажатлар сарфлаб, кўпроқ ва самарали натижаларга эришишга имкон беради. Шунинг учун барча мутафаккирларимиз инсонда виждонлилик сифатини шакллантиришда тафаккур масаласига алоҳида эътибор бериб келган.

Ал-Фақиҳ Абу Лайс Ас-Самарқандий “Танбеҳул ғофилин” китобида қуйидагиларни ёзади: “Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қиладилар: “Инсонлар орасида шундайлари борки, улар яхшиликка қалит, ёмонликка қулфдилар. Шу тўғриси уларга ажр ёзилади. Инсонлардан яна баъзилари борки, улар ёмонликка қалит, яхшиликка қулфдилар. Шу тўғриси уларга гуноҳ ёзилади. Яхшилик учун қалит бўлган ва ёмонлик учун қулф бўлган кишилар қандай яхши. Бир соатлик тафаккур мен учун бир кечалик ибодатдан яхшидир”. Ушбу китобда яна “Бир соат фикрлаш бир йиллик ибодатдан афзалдир”, дейилади.

Ириқ тасаввуф арбоби, тариқат пири, тасаввуф таълимотини муайян даражада тартибга келтирган мутафаккир Жунайид Бағдодий (910 йили вафот этган) ҳам тафаккур масаласида собит бўлган. У бундай дейди: “Ҳақ таолонинг қудрат ва азаматини тафаккур қилмоқдан маърифат ортар, неъматларини тафаккур қилмоқдан муҳаббат туғилар, ваъйд ва азобларни тафаккур қилмоқдан ҳавл (қўркув) туғилар”.



хизмати йўлида сарф қилсалар”, деб бекорга айтмаймиз. Демак, ақли одамларнинг жамият тараққиётидаги муҳим ўрнини инкор этмаган ҳолда, уларнинг барчаси ҳам виждонли бўлиши мумкин эмаслигини ҳам ёдда тутиш керак. Шу нуқтага назардан, одамлардаги ақл феноменини виждонлилик йўлидаги иккинчи дадил қадам деб ҳисоблаш мумкин.

Энди масаланинг асосий қисмига ўтсак: биз юқорида айтганимиз каби, а) тарбия инсон фаолиятини тартибга солса, б) ақл нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини билишга ёрдам берса, в) тафаккур инсонга ўша воқеа-ҳодисалар моҳиятини англагандан сўнг ушбу онгли анланган моҳият асосида фаолият юритишимизга кўмаклашадиган феномен ҳодисадир. Шу ўринда Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуфнинг қуйидаги фикрларини эътиборга олиш лозим: “Ақл Ҳақ субҳонаху ва таоло бандога берган неъматлар ичиде энг

улуғларидан биридир. Инсон зоти ақл билан бошқа жонзотлардан устун туради. Инсон ўзига берилган ақл воситасида еттиши мумкин бўлган энг юқори мартабаларга эришиши мумкин. Аммо ақл ўз-ўзидан ишлаб кетавермайди. Ақлни ҳаракатга солувчи куч тафаккурдир. Бошқача қилиб айтганда, инсонни ҳаракатга солувчи куч ақли эмас, балки тафаккури ила эришилган идрокдир. Тафаккур бўлмаса, ақлнинг ўзи ҳидоятга йўллай олмайди. Дунёда қанчадан-қанча ақллар бор. Аммо уларнинг ақллари тўғри йўлга бошламайпти, ёмонлардан қайтармайпти”.

Демак, инсонда виждон феномени шаклланишида тафаккур тарзи алоҳида ўринга эга. Бунга биз юқорида келтирган мисоллар, алломаларимиз фикрлари, мулоҳазалари, хаётий тажриба исбот бўла олади. Билдирилган фикрлардан хулоса ясаш мумкинки, виждонли одам бўлиш ўта қийин жараён. Унинг формуласи эса тахминан қуйидагилардан иборат: тарбия + ақл + тафаккур = виждон.

Бугун энг оғир масалалардан бири одамларда виждонлилик сифатини шакллантиришдир. Бир пайтлар одамларда виждонлиликни уйғотишга қаратилган қанчадан-қанча ҳаракатлар бўлганининг айрим жиҳатларини миллий маданиятимиз мисолида эслагим келди. Бугунги ўрта ва кекса авлод хотирасида сақланиб қолган, таникли санъаткор Шукр Бурхоннинг “Қиёмат қарз” спектаклидаги роли, “Гирдоб” видеофильмидаги Мухаммад чатоқ, “Диёнат” спектаклида атоқли санъаткор Наби Раҳимов образида жаранглаган Нормурод Шомуродов, “Иймон” спектаклидаги профессор Комилов, Асқад Мухторнинг “Чинор” асаридagi Очил бобо образларини бугун ким эсламайди, дейсиз.

Назаримда, ўша асарлардаги биз юқорида эслаб ўтган образлар том маънода виждонли одамнинг реал ҳаётдаги кўриниши, чин инсоннинг ижтимоий-маънавий портретлари эди. Бундай одамларнинг маънавий қиёфасидаги энг муҳим жиҳатлар ва бугунги авлод учун намуна бўлиши мумкин бўлган сифатлари қуйидагилардан иборат бўлган. Биринчидан, виждонли одам сифатида худди донишманд каби фақат адолат ва ҳақиқат учун курашадиган, бу йўлда ҳеч қандай қийинчиликдан қўрқмадилар ва қайтмадилар. Иккинчидан, адолатга ва ҳақиқатга осон йўл билан эришиш мумкин эмаслигини, бунинг учун тинимсиз курашиш лозимлигини аввалдан билган ва бу курашга олдидан ўзларини руҳий жиҳатдан тайёрлаган. Учинчидан, виждон инсон моҳиятининг буюк неъмат эканини англаб етдилар ва шунинг учун ҳам уни ҳар бир инсоннинг хаёт ўлчови сифатида тан олдилар. Тўртинчидан, виждонли инсон табиатида Аллоҳ томонидан юборилган нур тарзида қабул қилдилар. Бешинчидан, виждонли соғлом эътиқоднинг ҳиссий қоровули сифатида тан олдилар. Олтинчидан, жамиятдаги виждонсиз, ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган одамларни тўғри йўлга солиш мумкин эканига ишондилар, бунинг исботи сифатида танасини ўз руҳига бўйсундириш олдилар.

Юқорида биз санаб ўтган асарларнинг қаҳрамонлари, албатта, тўқилган образлар. Аммо улар реал ҳаётда жуда кўп. Таъкидлаш лозимки, шундай кишилар, жамиятнинг тирик виждонли эди. Одамлар бундайларга қараб хушёр тортар, ўз қалбига, бажараётган амалларига разм солади, тарбиясизлик, тартибсизлик, жиноят ҳолатларидан ҳайиқар эди.

Мен бу фикрларни бекорга айтмаётганим йўқ. Бугун мамлакатимизда эркин иқтисодий фаолият кўрсатиш, тadbirkorликни кучайтириш, жамият равангига йўлида фидокорона меҳнат қилиш учун барча имкониятлар яратиб берилди. Камбағалликни қисқартириш, одамларнинг иқтисодий жиҳатдан бойиши учун барча шaroитлар муҳайё этилди. Энди виждон амри билан, бировларга зиён-заҳмат етказмасдан фаровон ҳаёт барпо этиш имкониятлари юзга келмоқда.

Жамиятда виждонли одамлар қанча кўп бўлса, бу шу юрда истиқомат қилаётган барча фуқароларнинг бахту иқболи. Виждонли кишилар жамиятнинг турли салбий ҳолатлардан, адолатсизликлардан сақлаб турувчи, ижтимоий барқарорликни таъминлашга катта ҳисса қўшувчи инсонлардир. Бундай одамлар тўғриси порахўр, коррупционер, виждонсиз, ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўювчи, бюрократ раҳбарлар ўзига четдан баҳо беради, ўзини тартибга солишга мажбур бўлади.

Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида 2023 йилни “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”, деб эълон қилар экан, жамиятда бугун муайян даражада мавжуд бўлган адолатсизликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор берди. Бу борада, айниқса, давлат вакиллари, катта-кичик раҳбарлардан халқ олдида “Ўзининг ҳалол меҳнати, оидийлиги, халқсеварлиги ва фидойилиги билан одамларимиз меҳрини қозониши керак”лиги талаб қилиниши айни мудоао бўлди.

Аслида, бу сўзлар бутун жамиятга, барчамизга муҳим феномен ҳодиса ҳисобланмиш виждон масаласида олдимизга қўйилган катта вазифадир. Худди шундай. Янги Ўзбекистонни барпо этиш виждонли кишилар қўлида эканини унутмасак, биз, албатта, ўз максadимизга етамиз. Виждон азобисиз яшаш қандай яхши.



www.yuz.uz



yuz.uznews

МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА



Кўёш нурлари ер юзига фақат ёруғлик таркатади, дегани бугунги кун учун нисбатан тор тушунча. Боиси, заминимизни чарогон қилётган ёғдулар айна пайтда янгича ёндашувлар асосида аҳоли хонадонлари, ишлаб чиқариш қувватларини экологик тоза энергия билан ҳам таъминлаётти.

“КЎЁШЛИ ХОНАДОН”

ИМТИЁЗ ОРҚАЛИ ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТГА ЭГА БЎЛИШ ФУРСАТИ

Жаҳонгир ЎРМОНОВ,
иқтисодий фанлари
доктори, профессор

Йилнинг деярли уч юз куну кўёшли саналадиган юртимизда муқобил энергиядан фойдаланиш имкони жуда катта. Яъни иқлим шароитимиз кўёш станцияларини қуриш орқали жами 600 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Бу — бугунги кунда Ўзбекистоннинг энергияга бўлган жами эҳтиёжидан 8 баробар кўп. Англаганингиздек, имкониятдан ўринли фойдалансак, соҳада кузатилаётган муаммолар ҳақида гапиришга ҳам ўрин қолмайди.

Кўёш энергиясини тўғридан-тўғри электр токига айлантирадиган батареялар яримўтказгичли қурилма бўлиб, улар махсус рамкаларга жойланиб, кўёш панелларини ҳосил қилади. Аникроги, кўёшдан олинган ёруғлиқни электр токига айлантириб, фойдаланишга тайёр ҳолга келтирадиган рамкалардир. Энергия ресурсларига талабнинг ошиши, қолаверса, амалдаги энергия манбалари қайта тикланмаслиги қайта тикланувчи ҳамда экологик тоза, энергия самарадорлиги юқори бўлган бундай технологиялар асосида энергия ишлаб чиқариши долзарб масалага айлантирмоқда.

Жорий йилнинг январь ойида мамлакатимизда аномал совуқ ҳаво оқими кириб келиши сабабли энергия ва иссиқлик таъминотида катта узиллишлар кузатилди. Аслида, таъминотдаги бу каби муаммолар ва узиллишлар қандайдир ташқи факторларга боғлиқ бўлмаган ҳолат. Чунки ички истеъмолнинг ошиши, янги қурилган уйлар ва аҳоли сонининг ортиши, шунингдек, санаят корхоналарининг кўпайиши ҳисобига энергия ресурсларига бўлган талаб ҳам ортиб бориши табиий. Сўнгги беш йилда юртимизда



хонадонлар 1,2 миллионга, корхоналар сони эса 260 мингга кўпайди.

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йил 16 январь куну аҳолини энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида энергия таъминотидаги муаммолар танқидий таҳлил қилиниб, тегишли вазифалар белгиланган. Теран ўйлаб қарасак, энергетика иқтисодиётнинг умуман, тараққиётнинг “қон томири” ҳисобланади. Истеъмолнинг йилдан-йилга ошиб бораётгани, ресурслар қисқариб бориши ва қимматлашиши, импортга боғлиқлик кучайишига олиб келяпти. Ўз навбатида, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик барқарорлиқни таъминлаш масаласи бугунги кундаги энг муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Шу сабабли қайта тикланадиган энергия манбаларига ўтиш кун сайин муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Қайд этиш жоизки, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Иқтисодий электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиб, энергия самарадорлиқни 20 фоизга ошириш белгиланган. Бунда, 2026 йилга келиб электр энергияси ишлаб чиқариш қўрсаткичини қўшимча 30 миллиард кВт-соатга ошириб, жами 100 миллиард кВт-соатга етказиш кўзда тутилган.

Бу шунчаки рақамлар эмас. Энергиянинг бир туридан фойдаланишда янги имкониятларни ишга солсак, бошқа бир турининг тежалишига эришамиз.

соат электр энергиясининг ўртача нархи 450 сўм бўлиб, уни бюджет ташкилотига 800 сўмдан сотиши мумкин.

Кўёш панели ўрнатиш учун давлатдан компенсация олиш имконияти бор. Мана шунинг ўзи ҳам катта мотивация. Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 9 сентябрдаги “Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, жисмоний шахсларга Энергетика вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кўёш ва шамол электр станцияси ҳамда кўёш сув иситиш қурилмаларини 3 йил мобайнида фойдасиз бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда сотиб олиш имконияти яратилди.

Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг қийматини тўлиқ тўлаган ҳолда уларни харид қилган ва ўрнатган истеъмолчиларга харид харажатларининг бир қисми компенсация қилинади. Агар қувват 0,5 кВтдан 1 кВтгача ташкил этса, компенсация базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 баробари, яъни 2 миллион 100 минг сўмга тенг бўлади. 5 кВт ва ундан юқори ўрнатилган қувват учун эса базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баробари, яъни 15 миллион сўм миқдоридан компенсация тўланади.

Қанча фойда олиш мумкин?

Кўпчилигимизда кўёш панелларини ўрнатиш самаралими, деган савол турғилиши табиий. Мисол учун, А.Салимов

Тошкент шаҳрида истикомат қилади. Унинг эғалигидаги ер участкаси 5-зонада (2023 йилга 1 метр квадрат ер учун солиқ ставкаси — 550 сўм) жойлашган бўлиб, 6 сотихни (600 метр квадрат) ташкил этади. Эғалигидаги уй-жойнинг кадастр қиймати 120 миллион сўм, умумий майдони 300 метр квадратни (0,37 фоиз солиқ ставкаси 2023 йил учун) ташкил этади. Ушбу фуқарога 2023 йил учун 330 минг сўм ер солиғи, 444 минг сўм мол-мулк солиғи, жами 774 минг сўм солиқ ҳисобланади. Шу тариқа у солиқдан имтиёзли давр — 3 йилда жами 2 миллион 322 минг сўм маблағни тежаб қолади. Янги тартиб бўйича эса ўрнатилаётган кўёш панелларининг қувватига нисбатан 25 фоиздан кам бўлмаган қувватга эга электр энергиясини сақлаш тизими билан ўрнатилган бўлса, ун йил муддатга солиқдан озод этилади.

Бугунги кундаги бозор нархларидан келиб чиқиб, 5 кВтли кўёш панелининг ўртача нархи 54 миллион 500 минг сўм, компенсация нархи билан эса 48 миллион 500 минг сўмни ташкил этади. Ушбу кўёш панелининг энергия қуввати ҳажми ўртача 4-5 кишилик оила учун мўлжалланган бўлиб, 4-5 хонали уйни энергия билан таъминлаш билан бирга, 1 тадан телевизор, музлаткич ва кондиционернинг ишлаши учун етади.

Хисоб-китобларга қўра, 5 кишилик оила бир ойда ўртача 400 кВт-соат электр энергиясини ишлатади. Бир кВт-соат учун 295 сўмдан ҳисоблаганда, жами 118 минг сўм тўловни амалга оширади. Агар 5 кВт қувватли кўёш панелини ўрнатса, бир ойда 750 кВт электр токи ишлаб чиқилади. Истеъмолдан ортиқча бўлган 350 киловаттнинг давлатга 1000 сўмдан сотса, бир ойда 350 минг сўм, бир йилда эса 4 миллион 200 минг сўм даромадга эга бўлади. Демак, фуқаро бир йилда жами 4 миллион 974 минг сўм, шундан 774 минг сўм солиқдан имтиёз ва 4 миллион 200 минг сўм даромадга эга бўлмоқда.

Мамлакатимизда электр энергиясининг 85 фоизи ер ости углеводород ёқилгиларидан олинади, ер усти энергия манбаларидан эса бор йўғи 15 фоиз. Халқаро энергетика агентлиги маълумотларига қўра, 2030 йилга бориб чиқиндиларни 40 фоизга қисқартириш учун глобал электр энергияси ишлаб чиқаришнинг қарийб 75 фоизи кам эмиссия манбаларидан олинishi керак бўлади.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 16 февралда “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади. Ижтимоий ва уй-жой коммунал хизмат қўрсатиш соҳаларида ҳамда иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, энергия самарадорлигини ошириш орқали республика ҳудудларида энергия тақчиллиги қопланишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган ҳужжат бу борада қўлай шароит ва рағбатлантириш механизмларини жорий қилишни кўзда тутади. Хўжжатга қўра, 2023 йил 1 апрелдан бошлаб республика ҳудудларида аҳоли хонадонларида кичик қувватли (умумий қуввати 50 кВтгача) кўёш панелларини ўрнатиши рағбатлантириш бўйича “Кўёшли хонадон” дастури амалга оширилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ўз истеъмолдан орттириб ягона электр энергетика тизимига узатилган электр энергиясининг ҳар бир киловатт-соатига давлат бюджетидан 1000 сўмдан субсидия ажратилади. Муҳим жиҳати, субсидия тўловлари жисмоний шахсларнинг жами даромадлари тариқига киритилмайди. Тасдиқланган режага қўра, 2023 йилда 37 минг хонадонда кам қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш режалаштирилган. Бу дегани, шунча хонадон соҳибни қатор имтиёزلар олиш орқали ўзи учун жуда қўлай — хонадондаги энергия барқарорлигига эришиш имкониятига эга бўлади.



yuz.uz_news

66

ЛОЙИХА ИШГА ТУШГАЧ, ИШ ВАҚТИ 3 СМЕНАДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ. ҲАР БИР СМЕНАДА 12 ХОДИМ ИШЛАСА, 36 ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛАДИ. УШБУ ИШ ЎРИНЛАРИГА, АЛБАТТА, ТАЛАБАЛАР ЖАЛБ ЭТИЛАДИ. ИЛМ ДАРГОҲИМИЗДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН ЁШЛАР КОРХОНАДА ИШЛАБ, ТАЖРИБА ОШИРИШ ИМКОНИЯТИГА ҲАМ ЭГА БЎЛАДИ.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Уришбой ЙЎЛДОШЕВ,
Жиззах политехника
институтини профессори

Бошланиши 1-бетда

Кўёш, шамол, сув ва бошқа табиат инъомларидан электр энергияси ишлаб чиқариш ҳаёнда аллақачон оммалашиб борапти. Мамлакатимиз охириги йилларда ана шу йўлда анча илдамлади. Ҳудудлардаги турли тармоқларда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш қўрсаткичлари ортапти.

Бундан уч йил олдин Ўзбекистоннинг 2019-2030 йиллар даврида “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси қабул қилинган эди. Унда яқин ўн йилда мамлакатда углерод сарфини кескин камайтириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида энергиятежамкор технологияларни жорий этиш, қайта тикланувчи, самарали энергия манбаларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилган. Эътиборли жиҳати, бунинг учун юртимизнинг барча ҳудудларида зарур шароитлар бор.



Лойиҳа ишга тушгач, иш вақти 3 сменада ташкил этилади. Ҳар бир сменада 12 ходим ишласа, 36 янги иш ўрни яратилади. Ушбу иш ўринларига, албатта, талабалар жалб этилади. Илм даргоҳида таҳсил олаётган ёшлар корхонада ишлаб, тажриба олиши имкониятига ҳам эга бўлади.

лойиҳаларни амалиётда қўлламай туриб, қўтилган натижага эришиш мушкул-да.

Олийоҳда Германиядан олиб келинган 6,75 киловаттлик кўёш электр станцияси ўрнатилган. Айна пайтда институтда 3 та кўёш панели ва 2 та шамол генератори мавжуд. Шунингдек, 100 кВт кўёш фотоэлектр станцияси ҳамда талабалар турар жойига ўрнатилган 10 дона кўёш сув иситкичидан фойдаланилмоқда. Улар ишлаб чиқарган электр энергияси институт электр таъминотини яхшилаш ҳамда тежамкорлиқни оширишга хизмат қилляпти.

Халқаро грант доирасида ЭПҲ етакчи кўёш лабораториясида ҳам мунтазам тажриба синовлари ўтказилади. Кўёш нурунинг кўёш панелларига келиб тушиш йўналиши, нурунинг электр энергиясига айланиши устида ўтказётган синовларимиз самарали натижа бермоқда. Бир суткада 7 киловатт кучлини берадиган 24 та панелли лаборатория жиҳозимиз кўёш панелларига келиб тушиш йўналиши, нурунинг электр энергиясига айланиши устида ўтказётган синовларимиз самарали натижа бермоқда. Бир суткада 7 киловатт кучлини берадиган 24 та панелли лаборатория жиҳозимиз кўёш панелларининг сирти ва ичи кескин ўзгариши ҳосил бўлаётган кучланишга ҳам таъсир қилиши устида тажрибалар олиб борамиз. Шу тарзда олинган энергиядан институт биноси ва ҳудудини ёритишда фойдаланилмоқда.

ЖИЗЗАХДА ИККИ БАРОБАР АРЗОН ФОТОЭЛЕКТР ҚУРИЛМАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Давлатимиз раҳбари жорий йил 10 февраль куну Жиззах вилоятига ташири давомида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратди. Вилоятда қандайдир 2 минг мегаватт қайта тикланувчи энергия манбалари учун салоҳият борлиги таъкидланди.

Ушбу учрашувда мен ҳам муқобил энергия манбаларини ишлаб чиқариш бўйича Жиззах политехника институтини олиб борилаётган лойиҳа ҳақида

Беминнат электр манбаи

Биз ҳаётимизда аллақачон фойдалана бошлаган кўёш панеллари, шамол генераторлари электр энергияси олишнинг қайта тикланадиган, энг самарали муқобил манбаларидир. Масалан, кўёш панеллари электр энергиясини кўёш нурларидан олади ва ёруғлиқни электр токига айлантириб, фойдаланишга тайёр ҳолга келти-

Бугунги кунда институтимизда электрэнергетика, электротехника, электромеханика, электротехнология, радиотехника ва электрон асбобозлик йўналишларида мутахассислар тайёрланади. Охириги йилларда моддий-техник базамиз ривожланиб борапти. Жумладан, институтимизга 2 миллион доллاردан зиёд қийматдаги замонавий ва янги илмий-ўқув лаборатория жиҳозлари олиб келиниб, ишга туширилди. АСКУЭ лабораторияси, кўёш батареялари, шамол электр генератори, Жанубий Кореядан келтирилган шамол-кўёш гибрид электр энергияси манбаи, технопарк учун электр энергияси таъминоти қурилмалари шулар жумласидан. Улар талабаларнинг илм олиш жараёнини амалиёт билан фаол боғлаши, замон талаби асосида етуқ, малакали мутахассислар бўлиб етиштиришга хизмат қилляпти.

Бу йўналишда халқаро олий ўқув юртлири билан ҳам қатор лойиҳаларни амалга ошириб келямиз. Ўқитувчи ва талабаларимиз хоржидан малака ошириб қайтапти. Германиянинг Гамбург технология университети билан имзолаган лойиҳамиз эса аҳолининг муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш қўрсаткичларини оширишга қаратилган. Хусусан, Арнасой туманидаги “Санзор” чорвачилик фермер хўжалигида қуввати 7,5 кВт бўлган кўёш панели ўрнатилиб, ишга туширилди. Натижада хўжалик электр энергияси учун сарфланадиган катта миқдордаги маблағни тежашга эришиди.

Ҳудудларда шундай лойиҳалар сонини кўпайтириш, янги илмий изланишлар олиб боришни мақсад қилганмиз. Ҳозирги кунда кўёш па-



гапириб, Президентимизга ўз тақдиримни билдирдим. Маҳаллий шароитда хоржиникидан анча арзон бўлган кўёш панеллари ишлаб чиқариш, мавжуд линиямизни ишга тушириш учун 3,5 миллиард сўм зарурлигини айтдим. Давлатимиз раҳбари ушбу тақдиримни маъқуллаб, кўёш панеллари ишлаб чиқариши маҳаллийлаштириш масаласи Ўзбекистон учун муҳимлигини келиб чиқиб, сўраганимдан кўп маблағ — 5 миллиард сўм ажратилишини билдирди.

Очиги, лойиҳа бирдан қўлаб-қувватланишини кутмагандим. Боиси, бу жуда катта маблағ. Шу вақтгача лойиҳа ишга туширилмаётганига ҳам маблағ йўқлиги сабаб бўлаётганиди. Орадан бир неча кун ўтибқо маблағ ажратилиши бўйича институтимиз вакиллари билан биргаликда Тошкент шаҳрига бордик. Яқин орада ушбу маблағ ҳисобимизга ўтказилган бўлди. Энди шуну қилиш учун ҳамда катта фахр билан айта оламани, Жиззах политехника институтини ҳудудидан барпо этилаётган технопаркда яқин вақтда кўёш панеллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Муҳими, маҳаллий маҳсулот хоржиникидан анча арзон бўлади. Ҳисоб-китобларимизга қўра, бугунги кунда четдан битта кўёш панелини олиб келиш салкам 15 миллион сўмга айланади. Биз ишлаб чиқармоқчи бўлган маҳсулот таннархи эса қарийб икки баробар арзон. Демак, нафақат маблағ тежаллади, балки катта миқдордаги сумма Ўзбекистоннинг ўзига қолади.

Лойиҳа аввалда ишлаб чиқариш ускуналарини хоржидан келтирамиз, босқичма-босқич мазкур технологиялар ҳам маҳаллийлаштириб борилади. Корхона бошланишида йилга 50 минг дона маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Ишлаб чиқариш биносига ҳам кўёш панеллари ўрнатишни режалаштирганимиз. Бу электр энергияси сарфини сезиларли тежайди.

ради. Бундай усулда олинган электр энергияси ҳам арзон, ҳам экологияга мутлақо безарар. Қолаверса, кўёш батареяларида тўпланган манбадан исталган вақтда фойдаланиш имконияти бор, электр токи ўчиб қолиш эҳтимолини сезиларли даражада камайтирилади.



Қурилмадан фойдаланиш учун кўёш бўлса кифоя. Мамлакатимиз бу борада улкан кўёш энергия ресурсларига эга. Йилнинг тахминан 300 куну кўёшли бўлишини инобатга олсак, имкониятларимиз юқори экани янада аниқ қўрилади.

49 йиллик меҳнат фаолиятим давомида электр энергетикаси соҳасида қўлаб изланишлар, илмий лойиҳаларга қўл урдим. 1969 йилда Самарқанд давлат университетининг физика факультетини тамомлаган бўлсам, 1978 йилдан бунён Жиззах политехника институтини ишлаб келаман. 2000 йилдан бошлаб муқобил энергия манбаларини ўрганиш, уларни ишлаб чиқариш борасида илмий изланишлар олиб борапмиз. Албатта, бунинг учун институтда зарур шароитлар яратилган, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш қўлами ҳам йил сайин кенгайиб борапти. Ахир илмий

нелида йиғилган кичик кучланишдаги қувватни 220 вольтга ошириб берадиган инвентор, конвенерлар бор. Келгусида эҳтиёт қисмларни олиб келиш орқали мазкур турдаги маҳсулотларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Қолаверса, муайян вақтдан сўнг ишдан чиққан кўёш панелларини таъмирлаб, ишлаб чиқаришга йўналтиришни кўзлаганимиз.

Шу жиҳатдан, давлатимиз раҳбарининг Жиззах вилоятига ташири воҳа иқтисодиётини янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш истиқболларига жуда катта туртки беради. Дайқиқса, “яшил энергия”га ўтиш бўйича белгилаган вазифалар босқичма-босқич “яшил иқтисодиёт”ни кенг ривожлантиришга замин яратди. Биз эса бу жараёнларда фаол илмий изланиш ва янги лойиҳалар билан иштирок этишни мақсад қилганмиз.

ТАҲЛИЛИЙ ТАНҚИД

ФЕНОМЕН ҲОДИСАЛАР ДАВРИДА СЎЗ ҚУДРАТИ

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ РИВОЖЛАНГАН БИЗНИНГ ДАВРИМИЗДА РЕАЛ ҲАЁТДАН БУТУНЛАЙ УЗИЛИБ ҚОЛИШ МУМКИН ЭМАС. ШУНГА ҚАРАМАСДАН, ХАЛҚ БИЛАН ТУРЛИ КЎРИНИШДАГИ, ДЕЙЛИК, БУ РЕЖАДАГИ ТАДБИР БЎЛАДИМИ ЁКИ МАҲАЛЛА, ТУМАН, ҚАЙСИДИР МУАССАСАГА КУТИЛМАГАН ҲОЛАТДА КИРИШ БОРИШ ОРҚАЛИ БЎЛАДИМИ, УМУМАН, БЕВОСИТА МУЛОҚОТ ҲАМИША КЕРАК, ДЕБ ҲИСОБЛАЙМАН.



Шавқиддин ҒАНИЕВ, Ўзбекистон Миллий матбуот маркази раиси

Бошланғичи 1-бетда

Миллий тарбиядаги нуқсонларимиз алоҳида мавзу. Ўзбеклар дастурхонда қошиқлар шовури қачон бошлангани ҳам тарихчилар ҳужига ҳавола. Биз дастурхон атрофидаги бу қисқа воқеа фондида онг учун кураш ва ахборот жанги оқибатида содир бўлган фожиани кўрдик. Энди эътиборимиз қизи хорижлик сайёҳлар олдида ҳеч қачон мақтана олмайди. Аксинча, улар ош ёймиз деса, қимтиниб туриши табиий.

Замоннинг янги бир руҳи

Биз феномен ҳодисалар даврида яшаймиз. Чекимизга мураккаб, таҳликали шароитларда яшаб, хайри мақсадлар йўлида ўзимизни қийнаш, келажак авлодларимиз учун хавфсиз ва тарихий буюк Ватани мерос қолдириш вазифаси тушган. Бу оғир мудоаа жуда шарафли ҳамдир. Келгуси тарих биз ҳақимизда ижобий хулосалар битиши учун ҳали кўп ҳаракат қилишимиз керак.

Муаммолар эса ҳар доим ҳам бўлган. Дарвоқе, муаммо ҳақида. Муаммо тизимдаги бўшлиқлар таъсирида юзага келади. Бу бўшлиқни тўлдирувчилар эса ҳамisha хушёр туради. Шу ўринда юқоридаги саволларга жавоб излашга ҳаракат қиламиз.

НУҚТАИ НАЗАР

МУСИҚА МУАЛЛИМИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

АНВАР ЛУТФУЛЛАЕВ, Тошкент давлат педагогика университети декани, профессор

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида муסיқа педагогик таълимини сифат кўчириши олиб чиқиш ва соҳа мутахассисларини технологик тараққиёт талаблари асосида тайёрлаш вазифаси қўйилган. Шу сабабли муסיқа педагогик таълимида, энг аввало, ўқитиш сифатида эришиш бирламчи масалалардан саналади.

Муסיқа педагогик таълимида сифат кўрсаткичи ўқитишнинг замонавий технологияларига асосланиши, соҳанинг бўлғуси педагоглари назарий ва амалий жиҳатдан уйғун тайёрланиши ҳамда бу борада самарадорликка эришиш билан белгиланади. Бунинг учун инновацион ёндашуларга таяниш тақозо этилади.

Биринчиси: Янги Ўзбекистон — мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, эркинлик ва озодликнинг янги даври, бунёдкорлик ва фаровонлик йўлининг юқори босқичи. Иккинчиси: Янги Ўзбекистон — катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, мададада муҳтож инсонлар ва оилаларга чинакам кўмак ва ёрдам бериш, меҳр-оқибат кўрсатиш ҳаётий ҳодисага айланган бораётган ижтимоий макон.

Тўртинчиси: Янги Ўзбекистон — ўзгариб, куч-қудратга тўлиб бораётган, дунё аҳли эътироф этаётган янгилашган жамият, дунёга юз тутаятган эркин бир ўлка.

Манана шу тушунчалар бизнинг олдимишга янги фалсафий қарашлар ва ижтимоий интилишларни кўяди. "Булар нималарда акс этиши керак?" саволи қўйилса, энг аввало, матбуот кўзгусида, деган бўлардиқ. Боиси, бугун миллий матбуотимиз мутлақо янги формат ва аввал кузатилмаган, имконият берилмаган сўз эркинлиги муҳитида шаклланиб улгурди.

Мамлакатимизда ахборот майдонининг локомитивлари — журналист ва блогерлар кўллаб-қувватланаётгани, уларнинг эркин ва фаол ижод қилиши учун қулай шароитлар яратилаётгани ва бунга Президентимиз алоҳида аҳамият қаратаётгани ҳам бежиз эмас.



Боиси, давлатлараро муносабатларда сиёсий қарашларнинг тобора кескинлашаётгани, зиддиятчиликларнинг кўпайиши, бу жараёнда эса, энг аввало, ахборот курашида миллий манфаатлар устун қўйилаётгани ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Шундай экан, бугун биз, журналист ва блогерлар таҳлилий-танқидий фаолиятимизни ана шу глобал эҳтиёж нуқтаи

назаридан йўлга қўйишимиз бугунги замон талаби ўлароқ юзага қалқмоқда. Бир ўйлаб кўрайлик, миллий медиа соҳаси вакилларига бугунгидек кенг имконият ва имтиёз қачон берилган? Бишимизча, ҳеч қачон. Эндиги гап бу шароитдан ким қайси мақсадда фойдалана олишида қолмоқда.



Янги Ўзбекистон — ўзгариб, куч-қудратга тўлиб бораётган, дунё аҳли эътироф этаётган янгилашган жамият, дунёга юз тутаятган эркин бир ўлка.

айтишга чорлаб келади. Биз шунга кўникиб бўлиқ.

Аммо масаланинг иккинчи томони бўйи кўрсата бошладик, бу ҳар биримизни жиддий ўйлантириши керак. Биз дунё миқёсидаги ахборот оқими фондида авж олаётган миллий давлатчилик манфаатларини ҳимоя қилишда бир оз сустқашликка йўл қўяётгандекмиз.

Бу нималарда кўзга ташланади? Масалан, ғарбу шимол нашрлари бугун жиддий ижтимоий-сиёсий, иқтисодий,

Биз эса давлатнинг ўзи кўллаб-қувватлаб турган бир пайтда ҳали-ҳамон "ички ошономиз"даги ур-сурлар билан бандмиз. Тўғри, бу керак. Бу жамиятдаги иллатларни йўқотиш учун ҳам керак. Аммо бир нарсани унутмаслик зарур, замоннинг янги руҳи пайдо бўлган шароитда энди биз халқроқ миқёсда таҳлил юрилтадиган босқичга ўтишимиз керак. Негаки, халқроқ сиёсатда бугун Янги Ўзбекистон феномени пайдо бўлди. Бу кўтлуг ҳодиса замирида Президентимиз таъкидлаганидек, "Янги Ўзбекистон орузи ва унинг асосида ишлаб чиқилган стратегияда Марказий Осиёдаги кўшнилариимиз, бутун

Бу рақамлар, қайсидир маънода, ахборот майдонидаги тарқоқлик сабаб пайдо бўлган мавҳумлик ва чалқашликларга барҳам берди. Ахборотларни тезкор равишда таҳлил этиб, уларнинг тўғри ва ҳолислигини таъминлайдиган тизим яратилди. Ўзбекистон аҳолиси биринчи марта тўғридан-тўғри эфир орқали ҳар кун республика ташиқлотлари масъул раҳбарларнинг ахборотини эшитди, уларнинг қизиқтирган саволларга матбуот анжуманлари вақтида онлайн савол йўллаш орқали жавоб олиш имкониятига эга бўлди.

Лекин бизни ўйлантирадиган бошқа бир жиҳат бор. Бу жараёнда аксарият вазирилик ва ташиқлотлар фаол бўлишга интилгани ҳолда, журналистлар билан мулоқот қилишдан, куннинг долзарб мавзуслари юзасидан одамларда тугилаётган саволларга очик маълумотларни айтишдан иҳоталанган идоралар масъул раҳбарлари ва матбуот котиблари ҳам бўлди ва ҳамон бор.

Уларни ҳозир бирма-бир санамадик. Боиси, бугунги давр шиддати биздан бир-биримизни айблаш эмас, хатолар билан ҳулоса чиқариб, ҳамжихатликда ишлашни талаб қилмоқда. Лекин бир нарсани айтиш мумкинки, ОАВдан иҳоталанган соҳа масъуллари ва матбуот котиблари ўз фаолиятини, журналист ва блогерлар билан ҳамкорлик масаласини қайта кўриб чиқиши ва ислоҳ қилиши керак. Чунки юқорида айтганимиз каби, қаердаки бўшлиқ пайдо бўлса, уни тўлдиршига ҳозир нозир "ташиқ дўстларимиз" борлигини унутмаслигимиз шарт.

Уларни ҳам кўя турайлик. Аввало, жамиятимиздаги тинч-осойишта муҳитини ўйлайлик. Айтилик, бугун газ ёки электр энергияси масаласида одамларни ўйлантираётган, ташиқи солиб, эртани кундан хавотир олишгача бориб етаётган масалалар ҳақида қанча гап-сўзлар тарқалди. Орада хориж матбуотидаги ёлгон, асосланмаган таҳлилий маълумотлар ҳам одамларни анча чалғитиб, қайғиртиб қобигини тилди.

Янгилик, мутасадди раҳбарларимиз тезда бу масалага ойдинлик киритди. Вазият яна измига тушди. Бундан ҳулоса қилишимиз мумкинки, ҳар қандай воқеа-ҳодисаларга фактлар билан асосланган ахборот манбаси керак бўлади. Бу ўзимизнинг манба бўлсин, токи одамларимиз ташиқ ахборот манбаларидан озуқа олмасин.

Ахир одамлар, шу жумладан, журналист ва блогерлар очикланмаган ахборотларни ёт, шубҳали манбалардан излаб олиб, топиб олаётганини ҳаммамиз кўриб-билиб туришимиз. Улар топган жавобнинг тўғри ё нотўғрилиги, ҳолис ё ноҳолислиги алоҳида масала, албатта.

Юқорида айтганимиз каби, бугун мамлакатимизда фаолият юрилтаётган хорижий ва маҳаллий ОАВ вакилларига, мустақил журналист ва блогерларга аниқ ва ҳолис ахборотни биринчи манбадан тўғридан-тўғри, ҳеч қандай тўсиқсиз олиш имкони яратилган. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев илгари сурган "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак", деган ғоянинг ҳаётга таъбиқ этилиши натижасида бундай имконият янада кенгайди.

Функционал вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Миллий матбуот марказида матбуот анжуманлари, брифинглар, турли шаклдаги учрашувлар ўтказишга ташиқлотчилик қиламиз. Бу каби тадбирлар сони кейинги йилларда жуда кўпайди, дейишга ҳам асосларимиз бор. Ҳар кун бир-иккита шундай тадбирлар бўлади. Ҳисоб-китоб қилсак, утган 6 йилда марказимизда 1500 га яқин матбуот анжумани ўтказилди. Манана уларнинг солиштирма кўрсаткичи: 2010 йилда 45 та матбуот анжумани ташкил этилган бўлса, 2017 йилда 196, 2018 йилда 238, 2019 йилда 251, 2020 йилда 129, 2021 йилда 315, 2022 йилда 319 марта матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Шундай экан, бир-бирдан муҳим, долзарб вазифаларни сифатли ва самарали амалга ошириш жараёни ҳақидаги шаффоф, тўғри ҳамда ҳолис ахборотлар бугун жамиятга сув билан ҳаводек зарур.

Шундан келиб чиқиб, мавриди билан бугун ҳаммасларимиз олдида қандай вазифалар тургани ҳақида ҳам айрим мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашсак.

Кундан-кунга шиддат билан ўзгараётган, ниҳоятда мураккаблашган бугунги давр, тобора глобаллашаётган дунё узук-юзуқ ахборотлар билан қаноатланмай қолгани ҳеч биримизга сир эмас. Шунинг учун ҳам бугун тўғри ва ҳолис ахборотлар мунтазам айтилиши керак, ёлгонга жой қолмаслиги зарур. Айтилмай қолган рост гапнинг ўрнини ёлгон гап эгаллашини зинҳор унутмаслигимиз лозим.

Шундай экан, бир-бирдан муҳим, долзарб вазифаларни сифатли ва самарали амалга ошириш жараёни ҳақидаги шаффоф, тўғри ҳамда ҳолис ахборотлар бугун жамиятга сув билан ҳаводек зарур.

Шундан келиб чиқиб, мавриди билан бугун ҳаммасларимиз олдида қандай вазифалар тургани ҳақида ҳам айрим мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашсак.

Муסיқа педагоглари аудиторияда ўзлаштирилган касбий-назарий билимларни амалий кўникмага айлантириши шарт. Ўзлаштирилган билимларни амалий кўникмага айлантиришнинг шакллари кўп. Аудиториядан ташқари машғулотлар, амалий тўғараклар, маҳорат дарслари, ҳафталик амалиёт каби шакллardan оқилона фойдаланиш амалий кўникмага эга бўлишнинг ноёб механизмидир.

Шу сабабли Президентимизнинг 2022 йил 2 февралдаги "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан таълим тизимининг барча босқичида амалий тўғараклар ташкил этиш, ўқув жараёнини 4+2 тизимига амалга ошириш ҳамда ҳафталик икки кунда амалиётни йўлга қўйиш, муסיқа педагоглари камиди учта миллий чолғу куй ижро эта олиши зарурлиги белгиланган бўлиши билан, мазкур амалий машғулот шакллари бўлғуси муסיқа педагогларининг касбий кўникмасини кутилган даражага етказиш имкони беради.

Муסיқа педагогика таълимида сифат-даражасига эришишнинг омилларидан

Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Янги Ўзбекистон" газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровга берган интервьюсида халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг фикрини олиш имкони, бу борадаги "бўшлиқ"ни тўлдириб ҳақида гапирар экан, жумладан, шундай деган эди: "...Албатта, бугунги кунда одамларни қандай масала ва муаммолар ўйлантираётгани, таъшишга солаётганини яқиндан билишда ёрдам берадиган очик манбалар, ахборот тармоқлари кўп.

Айниқса, телевидение, матбуот, интернет ҳаёт нафасини, таъбир жоиз бўлса, ҳар бир соҳанинг "юррак уриши"ни аниқ-равшан ҳис қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шахсан ўзим оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда берилаётган янгиликлар, улар орқали билдирилган долзарб фикрлар, жамоатчиликнинг диққат-эътиборини тортаётган воқеа-ҳодисалар билан имкон қадар бевосита танишиб боришга ҳаракат қиламан.

Бир сўз билан айтганда, замонавий ахборот технологиялари ривожланган бизнинг давримизда реал ҳаётдан бутунлай ўзрилиб қолиш мумкин эмас. Шунга қарамастан, халқ билан турли кўринишдаги, дейлик, бу режадаги тадбир бўладики ёки маҳалла, туман, қайсидир муассасага кутилмаган ҳолатда кириб бориш орқали бўладики, умуман, бевосита мулоқот ҳамиша керак, деб ҳисоблайман".

Давлатимиз раҳбарининг манана шу фикрлари ва бошқарувидаги шахсий ёндашуви биз, медиа соҳа вакиллари учун асосий принципал ҳарактер касб этиши бугунги кун талабидир.

Шу маънода, олдимишда ниҳоятда катта вазифа турганини ҳам англаб етиш мушкул эмас. Бу, биринчидан, ислохотларнинг ҳаққоний бориши ҳақида ҳолис ахборот оқимини ҳосил қилиш. Иккинчидан, халқимизнинг оруз-истакларини рўёбга чиқариш йўлида ғо бўлиб қолаётган коррупция, бюрократизм, таъмагирик ва лоқайдлик сингари иллатларга қарши олиб борилаётган изчил курашлар ҳақида очик-ойдин ахборот бериш бориш. Учтинчидан, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, ўз қучига, эртанги кунига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва янги марралар сари сафарбар этиш борасида олиб борилаётган устувор вазифалар ҳақида, мамлакатимизда ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш, юртимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш борасида белгиланган чора-тадбирларнинг ижроси тўғрисида маълумотларни аҳолига изчил равишда етказиб бориш.

Демак, бу борада ОАВ вакиллари билан бирга давлат ва нодавлат ташиқлотлар масъуллари ҳам бирдек жавобгар ва бурчли эканини унутмаслигимиз зарур.

Мақолаимиз аввалида дастурхон атрофидаги онг учун кураш ва ахборот жанги фожиаси ҳақида айтган эдик. Уртадаги шунча гап-сўзлардан кейин ҳулоса ўрнида таъкидлашни истардикки, Янги Ўзбекистон медиа тизимини олдида ниҳоятда муҳим вазифалар турибди. Бу вазифаларни, асосан, виждоний ҳавола сифатида ҳам қабул қилиш вақти келди. Ниҳоят биз шундай бўлиши керакки, токи келажак авлод бугунги ахборот оқимида ва ғоялар жангида ҳеч қачон бўйин эгиб қолмасин.

Муסיқа педагогика таълимида сифат-даражасига эришишнинг омилларидан

яна бири бўлажак муסיқа педагогларининг ижодкорлик малакасини талаб даражасида ривожлантиришидир. Бунда бўлғуси муסיқа педагогларининг чолғу, ашула ва рақс ижрочилиги бўйича лаёқатини ривожлантириш, янги асарлар яратиш кўникмасини шакллантиришга эътибор бериш жуда муҳим. Чунки муסיқа педагогикаси таълимини танлаган талабаларнинг кўпи ижодкор бўлади. Шу сабабли уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш ва ижодкор муסיқа ўқитувчилари сифатида қамолга етказиш асосий вазифаларданам.

Технологик тараққиёт жараёнида барча соҳаларда хорижий таърибга ҳавас билан қараш ҳодисаси пайдо бўлди. Чет эл таърибасини ўрганиш яхши, лекин мутлақ даражада қабул қилиш миллий таърибани писанд қилмасликдан бошқа нарсас эмас. Шу маънода, муסיқа педагогикасида сифат даражасига эришишда хориж технологияларини қўллаш мумкин. Бироқ миллий муסיқа таълимимизда Абу Наср Форобийдан бундан давом этиб келаятган бой таърибга суяниш тақозо этилади. Чунки бугунги хориж муסיқа педагогикаси олдида Форобийни чуқур ўрганиш вазифаси турибди. Шу жиҳатдан ҳозирги миллий муסיқа педагогикамида сифат даражасига эришиш учун миллий ва хорижий таърибалар уйғунлигига асосланиш мақсадга мувофиқ.



этиб бориш талаб этиляпти. Бу борада таърибали санъаткор педагогларнинг назарий машғулотлари веб-сайтларини ташкил этиш, хорижлик танқиқ мутахассисларнинг назарий дарсларидан фойдаланиш мумкин. Чунки бўлғуси муסיқа педагоглари бу билан бундан вақтларидан назарий машғулотларни эркин ҳамда мустақил ўзлаштириш имкониятига эга

бўлади. Бунинг учун Президентимизнинг 2022 йил 21 июндаги "Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосланиш кутилган самарани беради.

ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

МИЛЛИЙ ТАРИХИМИЗНИНГ ЯНГИ ШИМСОЛМ

ёхуд Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси тарихи музейини шакллантиришга оид мулоҳаза ва тавсиялар янграган анжуман

Пойтахтимизда “Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси тарихи музейини шакллантиришга оид долзарб масалалар” республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Конференция ишида Фанлар академияси вице-президенти Баҳром Абдуҳалимов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси биринчи ўринбосари Ҳомиджон Ишматбеков, Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Давронбек Махсудов, шунингдек, тарихчи, археолог, шарқшунос, музейшунос олимлар, соҳа мутахассислари, тадқиқотчилар иштирок этди.



Мухтасар ТОЖИМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Анжуманда Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази ҳузуридаги музей концепциясини такомиллаштириш, унинг олдига қўйилган вазифаларни изчил ва сифатли бажариш мавзулари муҳокама қилинди. Мазкур кўп тармоқли илмий-маърифий муассасанинг сирқира фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган амалий таклиф ва тавсиялар ўртага ташланди.

Давлатимиз раҳбари марказга ташрифларидан бирида “Ислон цивилизацияси маркази миллат мулкига айланади”, деб таъкидлаган эди. Бу сўзлар замирида мазкур муассаса кўп минг йиллик бой тарихимиз, ҳар қандай миллат ҳавас қилса арзийдиган маданиятимиз, дунё илм-фани ривожига ҳисса қўшган буюк алломаларимиз, энг муҳими, бунёдкор ва бағрикенг халқимизнинг сийратини сурати, яъни ички дунёси ва ташқи қиёфасини жамулам этган кўзгу бўлиб қолиши ҳақидаги зғурият ҳамда сиёсий ирода ётади.

Марказ Марказий Осиёда бетақдор, ҳам илмий-маданий, ҳам маънавий-маърифий муассаса шаклида бунёд этилмоқда. Бинобарин, у кенг камровли фаолият билан шуғулланади. Унда қадим тарихимиз ва маданиятимиз сарчашмалари бўлган асл манбалар ўрганилади, аллома аждодларимиз томонидан яратилган бой илмий ва маънавий мерос тадқиқ этилади. Ҳўш, мазкур муассасада шакллантирилаётган Ислон цивилизацияси тарихи музейини қайси мезон ва манбалар асосида фаолият олиб боради?

Тупроққа кўмилган қўлёзмалар “тилга кириши” кутилмоқда

Цивилизация маркази қурилиши билан деярли бир вақтда унинг илмий-маданий, маънавий-маърифий фаолияти мазмун-моҳиятини аниқлаштириш ишлари ҳам бошлаб юборилган. Бундай фаолиятга жалб этилган мутахассислар, турли илмий йўналиш вакиллари Президентимизнинг концептуал қарашларини ҳаётга татбиқ этиш билан шуғулланоқда.

Барпо этилаётган марказ фаолиятининг асосий йўналиши ҳам маҳаллий, ҳам хорижий жамоатчилик билан бевосита мулоқотда бўлишни тақозо қилади. — дейди Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази директори Шоазим Миноваров. — Бундай мулоқотнинг аниқ ижро механизмлари мавжуд бўлиб, Ислон цивилизацияси тарихи музейи уларнинг энг муҳими дейилса, хато бўлмайдди. Бой маданий-маънавий тарихимиз ва унинг сирқиралиги ҳақида кўп гапирарми. Лекин бундай қирраларнинг барчасини ўзида

қамраб олган мукамал илмий-маънавий тузилма мамлакатимизда ҳали йўқ эди. Шу маънода, шаклланаётган Ислон цивилизацияси музейи тарихий ҳақиқатни ҳам мумтоз илмий услублар, ҳам замонавий технологиялар орқали жонлантириб берадиган кўп қиррали муассасага айланмоқда.

Ўзбекистон мусулмон илм-фани ва маданияти дунёдаги энг бой хазиналардан биридир. Мутахассислар фикрига кўра, мамлакатимизда сақланаётган турли илмий йўналишларга оид нодир қўлёзмалар сони 100 мингдан ошади. Шу дапилнинг ўзидек мазкур фикрни тасдиқлаб турибди. Боз устига бу рақам, асосан, давлат ва айрим нодавлат ҳамда жамоат ташкилотлари тасарруфидидаги манбаларнигина назарда тутлади. Бундан ташқари, собиқ советлар сўбсатидадан чўчиган халқ томонидан қўйилиб, яшириб келинган минглаб қимматли ёзма манбалар мавжуд. Уларнинг энг нодирларини “тилга киритиш”, музей экспозицияларида намойиш этиш ҳам муҳим вазифалар қаторига киритилгани эътиборга молик.

Интерактив инсталляциялар, машғулоти ўйинлар...

Турли йўналишлар бўйича шакллантирилган экспозиция залларида зиёратчилар ислон оламнинг бебаҳо меросига оид ноёб экспонатларни, маърифий медиа маҳсулотларни томоша қилиши, интерактив инсталляциялар ва машғулоти ўйинлар орқали мавзу билан яқиндан танишиши, ўрганиши мумкин.


Музей тарҳи Франциянинг “Wilimotte & Associates” ва “Avesta Group” компаниялари билан ҳамкорликда режалаштирилган бўлиб, мазмуни ва концепциясига кўра бетақдор ҳисобланади, — дейди Марказнинг халққор



Ноёб муҳрлар экспозициясини ташкил этиш зарур

Муҳр давлатчилик тимсоли бўлиб, унинг ёрдамида ҳужжат муаллифи аниқланади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, араб ёзувидаги муҳрлар бунинг акси — муҳр шундай тарихий манбалардан бирики, тарихчилар уни тўлиқ баҳолаш олмаган, бу ҳали “очилмаган қўриқ”дир. Ўзбекистон ҳудудида сақланаётган нафақат юз минглаб тарихий ҳужжатларда, балки қўлёзмаларда ҳам муҳр излари мавжуд.

Ислон санъати бадийи ифодаинг энг муҳим воситаси сифатида безакни танаб, мажозий, фигуратив санъат тамойилини рад этган, — дейди санъатшунослик фанлари доктори, профессор Акбар Ҳақимов. — Бу XIX асрда Европа олимлари томонидан ислон эстетикаси салбий, санъатга алоқаси йўқ дин фалсафасининг ўзига хос кўриниши сифатида баҳоланган. Шунинг учун узок вақт давомида Ғарб тадқиқотчиларининг фикрича, мусулмон бадийи маданияти жаҳон цивилизациясининг приферик (чекка, ажралган) зонасини ташкил этган. Кейинчалик Ғарблик олим О.Грабар биринчилардан бўлиб “Ислон санъати” атамасининг назарий масаласини кўтариб чиққан. Унинг илмий ишлари туфайли “Ислон санъати” тушунчаси



алоқалар ва далолатнома бўлими бошлиги Саидкомил Холхўжаев. — Экспозицияни шакллантиришда музейшуносликдаги энг замонавий технологиялар ҳамда усуллардан фойдаланилади.

Шунингдек, ушбу масканинг мамлакатимизга турли давлатлардан келган саёхатчилар учун ҳам муҳим туристик объект бўлишини инобатга олган ҳолда, маълумотларнинг кенг камровли, турли ёш вакиллари учун тушунарли ҳамда халқчил усулда тайёрланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Ислон санъати” қандай тамойилларни рад этиб келган?

Дунёда ислон тарихи, унинг санъати ва маданиятини акс эттирувчи муассасалар сифатида Википедия рўйхатида

жаҳон маданиятининг ўзига хос мустақил феномени сифатини касб этди.

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази музейининг залларидан бири махсус санъат ва хунармандчиликка бағишланган бўлиб, ушбу бўлимга тасвирий ва амалий санъат билан бир қаторда кино, мусиқа, театр ва божқалар ҳам қиради. Бу эса музейнинг алоҳида хусусиятларидан бири.

Мутахассислар мазкур музей учун ашё ва экспонатлар рўйхатини тузишда миллий санъатимизнинг ноёб дурдоналарини цивилизациянинг барча босқичларида аниқлаб, ушбу экспонатларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Уларни “Санъат ва хунармандчилик” кургазма зали учун тайёрланган асарларнинг умумий рўйхатидан ажратиб, тарихий, маданий ва бадийи аҳамиятини асослаб беришга ҳаракат қилмоқда.

Ноёб муҳрлар экспозициясини ташкил этиш зарур

Муҳр давлатчилик тимсоли бўлиб, унинг ёрдамида ҳужжат муаллифи аниқланади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, араб ёзувидаги муҳрлар бунинг акси — муҳр шундай тарихий манбалардан бирики, тарихчилар уни тўлиқ баҳолаш олмаган, бу ҳали “очилмаган қўриқ”дир. Ўзбекистон ҳудудида сақланаётган нафақат юз минглаб тарихий ҳужжатларда, балки қўлёзмаларда ҳам муҳр излари мавжуд.

Бугунги кунда араб ёзувидаги мусулмон сфратистикаси (муҳршунослиги) алоҳида соҳа сифатида шаклланоқда ва сўнгги йилларда бу борада қатор тадқиқотлар ёзилди, — дейди тарих фанлари доктори, профессор Шовосил Зиёёдов. — Жумладан, соҳага оид амалга оширилган тадқиқотлар шарқшунос олим А.Иванов томонидан ўрганилиб, унинг истиқболига оид мулоҳазалар билдирилди. Мусулмон сфратистикасига оид тадқиқотлар орасида каталоглар ҳам муҳим ўрин тутди. Жумладан, Честер Битти (Дублин) кутубхонасининг махсус сайтида мусулмон муҳршунослигига оид маълумотлар базаси яратилган. 2011 йили Турин университетидеда нашр этилган Кале қўлёзмалар хазинаси каталогидеда муҳрлар тавсифи учун махсус боб ажратилган. Бу каталог айнаи дамгача яратилган каталоглар орасида пешадами ҳисобланади. Шунингдек, Имом Бухорий халққор илмий-тадқиқот маркази томонидан тайёрланган “Имом Бухорий халққор маркази манбалар хазинаси қўлёзмалар каталогидеда ана шундай муҳрларга эътибор қаратилгани алоҳида аҳамиятга молик.

Дарҳақиқат, Шовосил Зиёёдов таъкидлаганидек, муҳрлар бирор-бир даврдаги тарихий воқеликни комплекс ўрганишда қимматли манба ҳисобланади. Ўзбекистон муҳршунослиги бўйича бажарилган фундаментал тадқиқотлардан бири Ф.Қурбоновнинг “Марказий Осиё сфратистикасига оид маълумотлар: XIX аср охири — XX аср бошларига оид Бухоро муҳрлари мисолида” китобиدير. Олим томонидан аввалроқ “XVIII аср боши — XX асрларга оид Бухоро муҳрлари” номли каталог ҳам чоп этилган бўлиб, у Ўзбекистон тарихида сфратистика бўйича нашр этилган биринчи каталогдир.

Қўлёзмалардаги муҳрларни ўрганиш асосида тадқиқотларда муайян илмий натижаларга эришилди. Масалан, Муҳаммад Порсо кутубхонасини тадқиқ этиш натижасида нақшбандия тариқатининг давомчилари — назарийчи шайхлар ҳақида муҳим маълумотга эга бўлинди. Шунингдек, Дукчи Эшон хонақоҳида фаолият олиб борган вақт кутубхонасини муҳрлар ёрдамида ўрганиш ҳам муҳим маълумотлар берди: кутубхонада мавжуд бўлган асарлар Дукчи Эшон дунёқарашини ва маънавий меросини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.

Конференция давомида тарих фанлари доктори, профессор Шовосил Зиёёдов шундай таклиф билан чиқди:

— Ўзбекистон тарихи ва миллий қадриятларини ўрганиш эҳтиёжидан келиб чиқиб, аждодлардан мерос қолган турли қўлёзма, тарихий ҳужжатлар ва тошбосмаларни тадқиқ этиш ишларини қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази қошида жамоат фонди ташкил этилса, нур устига нур бўлар эди. Шунингдек, марказда барпо этилаётган музейда ҳукмдорлар ва ноёб муҳрлар экспозицияси намойиш этилса, тарихимизнинг “очилмаган қўриқлари”га йўл очиб беради, дейди ўлайимиз.


Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази, Фанлар академияси, Имом Бухорий халққор илмий-тадқиқот маркази билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг қадимий ёзма манбаларининг Миллий реестрини тузишда муҳрлар тавсифига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши зарур деб биламиз. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамкорлигида тарихимизга оид муҳрлар электрон базаси платформасини яратиш ва ундан муҳрларга фойдаланишни ҳам таклиф қиламан.

Миниатюра ривожини экспонатларда қандай акс этади?

Тасвирий санъатининг мўъжаз тури — миниатюра санъати ўзининг бетакорлиги билан дунёга машҳур бўлиб, дастлабки қўриқларидан то бугунги кунгача кишилар маънавий оламини бойитишга, бадийи эстетик диндининг шаклланишига, руҳиятининг тарбияланишига ҳисса қўшиб келмоқда. Мумтоз миниатюра санъати Х-ХIX асрларда Яқин ва Урта Шарқдаги турли маданий марказларда гоҳ ривожланиб, гоҳ сусайиб борган. Жумладан, миниатюра тарқиқети тарихида бу санъатнинг XIII-XIV асрларда Бағдодда, XIV-XVI асрларда Табризда ва Марказий Осиёда, XV асрда Хиротда, XVI-XVII асрларда Ҳиндистонда ривож топгани, қўллаб қўлёзма асарларга гўзал миниатюралар чизилгани маълум. Афсуски, бу қўлёзмаларнинг баъзилари вақт ўтиши билан исиз йўқолиб кетган. Шу сабабли халқимизнинг маданий мероси бўлиши бундай обидаларни қидириб топиш, ўрганиш, нашр этиш, музей эк-

спозицияларида оммага намойиш этиш Марказий Осиё халққор маданияти ва тасвирий санъатининг номаълум саҳифаларини очишга имкон яратади.

Ислон цивилизацияси марказида Марказий Осиёда миниатюра санъати ривожини музей экспонатларида намойиш этишга оид таклиф ва тавсияларимиз бор, — дейди тарих фанлари доктори, профессор Абдумажид Мадраимов. — Яқин ва Урта Шарқ, Марказий Осиё миниатюра санъати ривожланиши учун асос бўлган XIV асрдаги “Рангтасвир усталари рисолиси”, Султон Али Машхадийнинг “Хаттотлик ҳақида рисола”, Дўст Муҳаммад Ҳиравийнинг “Ҳолоти хунарварон”, Қози Аҳмад Қумийнинг “Тулистони хунар”, Содикбек Ашфарнинг “Қонун ас-совар” ва бошқа манбалар тўғрисида маълумот берувчи стандарт яратиш зарур, деб ўйлаймиз. Шунингдек, Яқин ва Урта Шарқ, жумладан, Марказий Осиё миниатюра санъати ривожланиши тўғрисида шу кунгача юртимизда ва хорижда нашр этилган



позияцияларида оммага намойиш этиш Марказий Осиё халққор маданияти ва тасвирий санъатининг номаълум саҳифаларини очишга имкон яратади.

Ислон цивилизацияси марказида Марказий Осиёда миниатюра санъати ривожини музей экспонатларида намойиш этишга оид таклиф ва тавсияларимиз бор, — дейди тарих фанлари доктори, профессор Абдумажид Мадраимов. — Яқин ва Урта Шарқ, Марказий Осиё миниатюра санъати ривожланиши учун асос бўлган XIV асрдаги “Рангтасвир усталари рисолиси”, Султон Али Машхадийнинг “Хаттотлик ҳақида рисола”, Дўст Муҳаммад Ҳиравийнинг “Ҳолоти хунарварон”, Қози Аҳмад Қумийнинг “Тулистони хунар”, Содикбек Ашфарнинг “Қонун ас-совар” ва бошқа манбалар тўғрисида маълумот берувчи стандарт яратиш зарур, деб ўйлаймиз. Шунингдек, Яқин ва Урта Шарқ, жумладан, Марказий Осиё миниатюра санъати ривожланиши тўғрисида шу кунгача юртимизда ва хорижда нашр этилган

адабиётларни имкон даражасида асли ёки электрон вариантларини топиб, улар тўғрисида электрон маълумотнома ҳамда энг муҳимлари аспиятини намойиш этиш мумкин.

Муҳокама қилиб боради келишиб олди.

Жадидларни ташвишга солган яна бир жоҳиллик нимада эди?

Туркистон миллий тараққийпарварлари диний бағрикенгликнинг ҳақиқий ифодачилари бўлган. Улар ўзларининг диний таълими, дунёқарашини ва интилушлари билан бунга тамоман ҳаққи эди. Жадидларнинг атоқли намояндалари нафақат мадрасаларни тугатган, шу билан бирга, диний мансабга ҳам эга бўлган. Масалан, Маҳмудхўжа Бехбудий ота-боболари каби муфтий бўлган ва ўз даврида Самарқанд вилоятида шу мансабни эгаллаб турган. Мунавварқор ҳам мадраса тахсилдан сўнг Тошкентдаги Дархон масжидида имом, Исҳоққор Ибраҳим эса Тўрақўрғонда қози бўлиб ишлаган.

Жадидлар Европа ва Шарқ мамлакатларига саёхат қилиш, шунингдек, ривожланган мусулмон давлатларининг саноат ва маданий ютуқлари билан, зиёли инсонлар ва турли ижтимоий ҳаракатлар намояндалари билан танишиш имкониятига эга бўлгани туфайли Туркистондаги ҳаёт тараққийётдан нақадар ортада қолганини яхши англаган, — дейди тарих фанлари доктори, профессор Дилором Алимова. — Жадидлар Урта Осиёнинг мусулмонча маданий аъналарини янгилаш тарафдорлари бўлган. Улар ўз ислохотларини ислон таълимотини англашдан бошлаган эди.

Абдурауф Фитрат Форобий, Ибн Сино, Бегурий аъналарига эргашган ҳолда ўзининг “Наҳот йўли” асаридеда барча дунёвий фанларни ислон билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилади. Бу китобда Фитрат диний тоқатсизликка қарши шундай фикр билдиради: “Ҳеч қандай шубҳа йўқки, Ғарби одамлар турли динларга эътиқод қилсалар-да ва турли мамлакатларда яшасалар-да, уларнинг бари бир отанинг болаларидирлар, одамнинг битта уруғига мансубдирлар. Шундай экан, уларнинг бари шафқатли бўлишлари, бир-бирларини севишлари керак”. Мусулмон ренессанси даврида Европа Урта Осиёнинг зиротчилик, хунармандчилик, санъат, илм-фандаги ютуқларини ўзлаштириб олгани ҳақидаги фикр унинг “Мунозара” асаридеда ҳам кўзга ташланади. Энди улардан ўзлаштириш вақти келганини англаб, Абдурауф Фитрат шундай ёзади: “Бизнинг бахтимизга қарши бой берилган маданиятимиз, ташаддунимизни орта қайтариш учун биттагина ҳаракатни амалга оширсак, бизнинг уламоларимиз ўша заҳоти: “Сен кофир бўлдинг”, дейишда ва бизга халақит бера бошлашди”.

Жадидларни, айниқса, бу жоҳиллик тиббиёт соҳасида пайдо бўлгани ташвишга солган. Қўллаб мусулмонлар руҳонийлардан қўрқиб, рус шифокорларга мурожаат қила олмаган.

Ўз миллий тарихи, маданиятига, дунёда энг катта бойлик бўлган интеллектуал ва маънавий салоҳиятга чўқур ҳурмат билан ёндашиш, уни асраб-авайлаш ва бойитиш, ёш авлодини миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш ҳар бир давлат ва жамиятнинг тараққийётида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ушбу музей юртимиз ўтмиши, халқимиз маданияти ва турмуш тарзи, илм-фани ва санъати ривожига дахлдор қимматли маълумотларни ўзида жамлаган, уларни ўрганишга қаратилган фундаментал тадқиқотларни амалга оширадиган йирик илмий-маданий ўчоқлардан бирига айланishi ишонамиз.

Зеро, конференцияда иштирок этган олим ва тадқиқотчилар таъкидлаганидек, миллий тарихимизнинг янги сиймосини, яъни Ислон цивилизацияси тарихи музейи жадид болаларимиз таърифларига “бурунги тарих” чизиларидан бутунлай фарқлангани, асрлар қаърида қанд босиб ётган қўллаб ҳақиқатларни ўзида акс эттириши муҳимдир.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-246.
14119 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова
Мусаҳҳи: Рашид Хўжаков
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй